Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 11 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

№ 93 (6589).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ДИЛЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ

Ўқувчиларни алдаб бўлмайди. Улар ўқитувчининг болаларга меҳрибонлиги, билимдонлиги ва ҳаммага бирдек муносабатда бўлишини жуда ҳам қадрлашади. Иллар ўтиб кетса ҳам, улар ўз устозларини ҳурмат билан эслашади, кўчадами, тўй-маъракадами унга таъзим бажо этишади.

Пойтахтимиздаги 296-ўрта мактабда ўз касбининг жонкуярлари оз эмас. Мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Муҳиддин Жўраев ана шундай ижодкор устозлардан. Муҳиддин ака педагогик фаолиятини бошлаганига 47 йил бўлди. У олий тонфали ўқитувчи, кўплаб республика педагогик ўқишларининг қатнашчиси. Домланинг адабиёт ўқитишга оид мақола ва рисолалари чоп этилган. Айниқса, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва бошқа адиблар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги дарсларини ўқувчилар мароқ билан таъриф лашади.

— Адабиёт — сўз санъати, — деб ҳикоя қилади Муҳиддин Жўраев. — Шундай экан, адабиёт ўқитувчиси нозик дидли, чуқур билим эгаси бўлмоғи, ёшларнинг юрагида китобга, нафосатга муҳаббат уйғота оладиган киши бўлмоғи лозим. Мен кўп йиллик иш тажрибам давомида бунга тўла ишонч ҳосил қилдим...

Шуннг учун бўлса керак, ўқувчилар она тили ва адабиёт дарсларига иштиёқ билан қатнашишади.

Мазкур мактабнинг физика ва математика ўқитувчиси Фотима Худойберганова педагогик фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у ўқувчилар, ота-оналар ва ҳамкасбларнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Бу бежиз эмас, албатта. Фотимахон, аввало, ўзи ўқитадиган фанни пухта эгаллаган. У дарсларда кўргазмали қуроллардан, таълимнинг техника воситаларидан самарали фойдаланади. Айни пайтда у тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларини кузатади, ижодий изланади, педагогик матбуот материаллари билан мунтазам танишиб боради.

Сиз кўриб турган суратларда адабиёт ўқитувчиси М. Жўраев ҳамда физика ва математика ўқитувчиси Ф. Худойберганова машғулот ўтказаётгани акс эттирилган.

Суратқаш: Р. АЛЬБЕКОВ.

БУЮК ИНСОН ХОТИРАСИ

Шу кунларда Ўзбекистонимизда катта давлат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонламоқда.

Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида ҳам ана шу санага бағишланган «Шароф Рашидов ўқитувчи, ёзувчи ва давлат арбоби» мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда илмий ходимлар, пойтахтимиздаги кўпгина олий ўқув юртларидан ташриф буюрган ўқитувчилар, олиму профессорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Конференцияни институтнинг директори, профессор Қодир Фозилхўжаев кириш сўзи билан очиб, йиғилганлар билан ўзининг Шароф Рашидов ҳақидаги хотираларини ўртоқлашди. Унинг мактабда ўқитувчилик қилган йиллари, ёзувчи ва давлат арбоби сифатида бутун ҳаёти давомида мактаб, маориф иши учун жон куйдирганлиги тўғрисида тўлқинланиб сўзлади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги М. Хайруллаев «Ш. Рашидовнинг Ўзбекистон фани ва маданиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси», профессор А. Зуннунов «Ш. Рашидовнинг адабий мероси», фалсафа фанлари доктори Т. Тошлонов «Ш. Рашидов ҳаёти ва ижоди бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боришнинг йўналишлари», филология фанлари номзоди Р. Иноғомов «Ш. Рашидовнинг ижодкорларга бўлган муносабати», педагогика фанлари номзоди И. Стиркас «Ш. Рашидов — халқлар дўстлиги қуйчиси» мавзуида маъруза қилдилар. А. Суюмов, Ш. Гадойбоев, Ғ. Жаҳонгиров, Й. Абдуллаевлар Ш. Рашидов ҳақидаги хотираларини сўзлаб беришди.

Илмий анжуман Ш. Рашидов адабий меросини мактаб дастурига киритиш, унинг педагогик меросини чуқур ўрганиш, ҳаёти ва фаолияти ҳақида қўлланма ишлаб чиқиш таклифини қувватлаб чиқди.

Б. ЯРАШЕВ.

Тажриба минбари

САРҲИСОБ ПАЙТИМАС, РЕЖАЛАР БИСЁР...

Абдуфаттоҳ ака Маҳмудовнинг таржимаи ҳоли элқатори, оддий. Уруш даврида деҳқон оиласида туғилди. Очарчилик, қийинчилик азобларини кўриб, юрагидан ҳис қилиб ўсди. Балки шунинг учундир, унинг қонига иродалилик, тиришқоқлик ва доимий фаоллик сингиб кетган.

Домла ўрта мактабни тугатганидан сўнг Қўқондаги автомобиль ва йўллар техникумини тамомлади, Мирзачўлга ишга юборилди. Кейин ўқишни давом эттириш мақсадида педагогика олий илмгоҳига кирди. Ўқитувчилик қилди. Унинг педагогик иқтидорини, раҳбарлик лаёқатини сезган маорифчилар тез орада район халқ таълими бўлимига инспекторлик лавозимига кўтаришди. Кейин у район маорифчиларининг етакчиси этиб сайланди.

Мана, Абдуфаттоҳ ака қарийб 13 йилдан буён мудирлик масъулиятини оқлаб келяпти. Ўтган давр ичида районда кўп ишлар қилинди, янгиликлар яратилди. Қийинчиликлар ҳам бўлди, улар ҳозир ҳам бор. Лекин бу муаммолар астасекин ўз ечимини топяпти. Зеро, мудир суҳбатимиз давомида шу каби масалалар хусусида тўхталиб ўтди.

Мустақил республикамизнинг истиқболини сифат билан таъминламоқчи бўлсак, биз, аввало, давр талаб этаётган даражадаги кадрлар тайёрлашга, ундан олдин эса ёш авлоднинг таълим-тарбиясига асосий эътиборни қаратмоғимиз керак. Зотан, келажак ворислари, бўлажак кадрлар айни кунда мактабда сабоқ олишяпти. Биз бу борада турли хил усул ва услублардан фойдаланяпмиз. Улардан бири — олий ўқув юртлари ва оталиқ ташкилотлари бўлмиш корхона ва жамоа хўжаликлари билан ҳамкорликдаги ишларни олиб боришдир.

Мисол учун, Қўқон давлат педагогика олий илмгоҳининг бошланғич таълим услубиёти билан районимиздаги 34-мактабнинг бошланғич таълим муаллимлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Олий илмгоҳнинг профессор-ўқитувчилари мактабга ташриф буюриб муаллимларга услубий маслаҳатлар беріб, улар ўтган машғулотларни вақти-вақти билан таҳлил этиб туришади. Муаллимларимиз ҳам олий илмгоҳга ташриф буюриб, профессор-ўқитувчилар билан мулоқотда бўлишади. Ҳамкорлик ўрнатилган кундан эътиборан олий илмгоҳ талабалари 34-ўрта мактабда педагогик практика ўтказадилар. Муаллимлардан Шаҳрихон Раҳмонова, Маҳбубахон Нурматова, Раҳимахон Турсунова, Хосиятхон Раҳмонова, Эътиборхон Пўлатова сингари бошланғич таълим усталари талабаларга ўзларининг билим ва маҳорат сирларини ўргатишяпти. Шаҳрихон Раҳмонова ўз ҳамкасбларига етакчилик қилади. Унинг обрў-эътибори район педагоглари орасида ҳам анчагина юқори. Буёга сабаб муаллиманинг ўз касбини яхши билиши, ўзи устида тинимсиз ишлаши, ижодий изланиши, машғулотларда ўқитишнинг самарали, теша тегмаган услубларидан фойдалана олиши ва ҳоказолардир.

Янгиликлардан яна бири шуки, биз Ғафур Ғулом номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги мактабларнинг энг иқтидорли деб топилган ўқувчиларини бир ерга жамлаб, алоҳида синфларда ўқитмоқдамиз. Бу ғоя бизда бундан бир неча йиллар аввал туғилган эди. Дастлаб ўқитишнинг илғор услубларидан қандай қилиб фойдаланиш, иқтидорлилар синфи учун билимдон ўқитувчиларни танлаш, ўқиш учун моддий база — асосий заминни ҳозирлаш режасини туздик. Биринчи бўлиб жамоа хўжалиги ҳудудидаги 48-ўрта мактабга иқтидорли олти ёшли биринчи синф ўқувчилари жамланди. Биз бу болаларга уларнинг савиясига хос саволлар бериб, билимини ҳар тарафлама синаб кўриб танлаб олдик. Мазкур синф ўқувчиларига ҳозирги қунда тажрибали бошланғич таълим устаси Ҳазратқул Йўлдошев сабоқ бермоқда.

Биз жорий ўқув йили ҳам асосий фанлар бўйича иқтидорли ўқувчилар, синфларини дадил очаяпмиз. Масалан, 6-ўрта мактабнинг 10-синфида математика ва физика фанидан иқтидорли ҳисобланган ёшлар ўқишяпти. Уларга моҳир ва билимдон ўқитувчилар Раҳмонали Холматов ҳамда Илҳомжон Отажоновлар сабоқ беришмоқда. 2-ўрта мактабда эса кимё, биология, физика ва математика фанлари бўйича иқтидорли болалар синфлари ташкил этилган.

Ҳозирги кунларга келиб 2 ва 26-мактабларга иқтидорли 10-синф ўқувчиларидан яна ҳам кўпроқ тўпладик. Энди бу ўғил-қизларга фақат айрим асосий фанлардан сабоқ берилмай, барча ўқув фанлари алоҳида йўналиш ва мақсад бўйича чуқур ўқитиляпти.

Режаларимиз улкан. Иқтидорли болалар махсус мактабини очиш ниятимиз бор. Энг замонавий кўринишга, қулайликларга эга бўладиган бундай ўқув даргоҳининг бино қурилиши яқин ойларда битказилади. Ҳозирдан уни юқори кўрсаткичларда жиҳозлаш, ўқитувчиларни танлаш каби режаларни тузиб, қисман амалий ишларга ҳам ўтганмиз. Мактабга иқтидорли ўғил-қизларни саралаб олишда, эҳтимол, Республика ўқув-методика маркази билан келишган ҳолда, тест синовлари услубидан фойдаланармиз.

Очиғини айтганда, бу ишларни ўзимиз, яъни маорифчилар ҳар қандай кўмаклардан ҳоли равишда бажаришимиз ҳийла мушкул. Бутун республикамизда бўлгани каби, моддий томондан имкониятларимиз чекланган. Аммо, қарс икки қўлдан, қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деган мақоллар бежиз айтилмаган. Биз Ғафур Ғулом номли жамоа хўжалиги аъзоларига, унинг раҳбариятига бор моддаомизни тушунтирдик. Бировни ака, бировни ука, дедик. Хўжаликнинг чакана ишларига ўқишга зарар етказмаган ҳолда ёрдам бердик. Хуллас, бир амаллаб йўлини топдик. Ҳозир жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Солижон Ҳусанов билан моддий томонга боғлиқ кўп ишларимизни биргаликда, бамаслаҳат амалга оширамиз. Раис ўринли илтимосларимизни ерда қолдирмаяпти. У кўрсатган кўплаб ёрдамлардан бир мисол: иқтидорли ўқувчиларнинг мактабларга ўз вақтида қатнаб ўқишлари учун жамоа хўжалиги томонидан махсус автобус ажратилган. Энди барча ўқувчиларга оширилган миқдорда стипендия бериш кўзда тутиляпти. Айрим муаллимлар хўжалик ҳисобидан мукофот тариқасида қўшимча ҳақ олишяпти. 48-ўрта мактабдаги бир гуруҳ ўқувчининг овқатланиши ҳам хўжалик томонидан таъмин этилган.

Хуллас, ишларимизнинг амалга ошиши учун кафолат бор, замин ҳам етарли.

Суҳбат тафсилотларини махсус мухбиримиз Аваз ҲАЙДАРОВ оққа кўчирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ТАҲРИРТАЛАБ ЖУМЛАЛАР БОР

Маҳмуд ЖЎРАЕВ, Олот район халқ таълими бўлими мудирининг муовини:

— Мустақил жумҳуриятимизнинг умумхалқ муҳокамасига қўйилган Конституция лойиҳаси, аввало, педагог сифатида, қоларса, шу республиканинг бир фуқароси сифатида ҳам мени жуда қувонтирди.

Жумҳуриятимиз алоҳида давлат сифатида тан олингач, унинг ўз қонунлари, инсон қуқуқларини ҳимоя қилишда дастуриламал бўладиган ҳужжатлари ҳам зарурлигини даврнинг ўзи кўрсатади. Янги конституция лойиҳаси эса айни кўнгилдаги иш бўлиши билан бирга таҳрирталаб жойлари ҳам учраб турадики, уни ўз вақтида тузатсак, назаримда, биз истаган мукаммал қонуннинг юзага келиши шубҳасиздир.

Масалан, лойиҳадаги 3-боб, 16-моддада кўрсатилган «Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас» деган абзацга «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас» тарзидаги қўшимча киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, Конституция лойиҳасидаги 10, 23, 18, 31, 75-моддаларда ҳам тузатилиши лозим бўлган жумлалар учрайди. Назаримда, бу ҳужжат бир йилга ёки ўн йилга мўлжалланиб чиқарилаётгани йўқ. Шу боис ҳам умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Жумҳуриятда яшовчи барча фуқаролар масалага жиддий ёндашиб, уни тўғри таҳлил этишса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Истода ТОҒАЕВА, Сурхондарё вилояти Бойсун районидаги 47-мактаб ўқитувчиси:

— Ўқитувчини халқнинг илғор табақаларидан бирида туради, дейишади. Янги Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилган бир пайтда биз бефарқ қараб турсак, тўғри бўлмаса керак.

Мен узоқ йиллардан буён собиқ иттифоқ Конституциясига аҳамият бериб келаман. Жиддийроқ ўйлаб қаралса, у йиллар ўтгани сари бир неча бор ўзгарди, тўлдирилди, олиб ташланди. Айтмоқчи бўлган фикрим шуки, келажакда бизда амал қилиниши керак бўлган Конституциямиз ҳам ана ўшанга ўхшаб қолмаслиги, ҳар йили турлича ўзгаришлар билан тез-тез авраастари ағдарилиб турмаслиги лозим. Бунинг учун эса биз фуқаролар жиддийроқ ўйлаб, етти ўлчаб бир кесишимизга тўғри келади.

Янги Конституция лойиҳасида инсон ҳуқуқлари, давлат ҳокимиятини муҳофаза қилиш хусусида кўпгина жиддий ишлар қилинганлиги кўзга яққол ташланади, бироқ уни янада мукаммаллаштириб, пишиқ-пухта қилиш керак бўлади. Масалан, 15-бобнинг 64-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди...», дейилган. Фикримча, «оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди, фуқаролар томонидан кўрсатиладиган ҳар қандай ортиқча уринишларга давлатнинг маъмурий органлари томонидан йўл қўйилмайди. Шунингдек, матбуотга кўрсатилган тажовузкорлик учун қонун олдида жавобгарликка тортилади» деб тўлдирилса, мақсадга мувофиқ келарди.

Чунки мен ўқитувчи бўлганлигим, оммавий ахборот воситалари билан тез-тез боғланиб турганлигим учун аҳёнаҳёнда бўлса-да, айрим фуқаролар томонидан матбуотларга, унда хизмат қилаётган журналистларга нисбатан қилинадиган ҳар хил тажовузкорлик хусусида эшитиб тураман.

Хуллас, Конституция лойиҳасини пишиқ-пухта қилиш учун ҳаммамиз ҳам масъулроқ бўлишимиз керакки, токи у ҳар жиҳатдан ва ҳар бир жойда фуқаролар учун кўнгилдагидек бўлсин.

ЖАЖЖИЛАР МАСКАНИДА

«Звёздочка» болалар яслиси 1973 йилда «Конимех» давлат наслчилик заводининг олдинги марказида ташкил топган бўлиб, завод чўл зонасига кўчгач, 1984 йилдан эътиборан район халқ таълими бўлими ихтиёрига берилди. Ушбу ясли бир йил ўтгач боғча-яслига айлантирилди

Ясли-боғчада шу кунларда 100 нафар болакай тарбияланмоқда. Уларга яхши шарт-шароитлар яратилган. 18 нафар тарбиячи болалар атрофида парвона. Тарбиячилар Надежда Қулжонова, Дилбар Хўжаева, Муаззам Садирова ва тиббиёт ҳамшираси Оля Шариповалар жажжиларнинг энг меҳрибон кишиларидир.

А. РАҲИМОВ.
Бухоро вилояти.

ОБУНА-93

Муштарий: «ЯНА ЯРИМ ЙИЛДА ТЎХТАБ ҚОЛМАСМИКАН?..»

Бозор иқтисодиётининг жабрини матбуот ҳам тортаётгани ҳеч кимга сир эмас. Нашриёт ва матбаа харажатларининг тобора ошиб бораётгани, қоғоз нархининг тўхтовсиз ўсаётганлиги оммавий ахборот воситалари, жумладан, рўзнома ва ойномаларнинг кундалик нашрини қисқартириб юборди. Шунга қарамай, муштарийлар ўз севимли нашрларига келгуси йил учун обуна бўлишни қизғин давом эттирмоқдалар. Бу соҳада баъзи хўжаликлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиб, янги йил обуна ҳақини ўтказаётганлиги эътиборга лойиқдир.

Ноҳия меҳнаткашларини 1993 йилги рўзнома ва ойномаларга обуна бўлишини таъминлаш ва бу муҳим ишни жадаллаштириш масаласида район ҳокимининг муовини Йўлдош Бобоқулов раислигидаги махсус комиссия намунали ишляпти.

Биз келгуси йил рўзномаларига обуна бўлишнинг қишлоқларда қандай бораётгани билан қизиқдик.

Абдулла ЖЎРАЕВ, Оҳангарондаги 34-ўрта мактаб директори.

— Мен ўтган йили «Маърифат», «Қишлоқ ҳақиқати», «Тошкент ҳақиқати» рўзномалари ва бир неча ойномаларга обуна бўлган эдим. Уларни вақти-вақти билан олиб турдим. Бироқ йилнинг ярмига келиб деярли барча рўзномаларни олмай қўйдим. Бу йил ҳам ўша рўзномаларга обуна бўлдим. Аммо йил ярмига бориб ўтган йилги воқеа такрорланмасмикин?..

Собир ПЎЛАТОВ, «Оҳангарон» нжара хўжалигининг бош чўпони:

— Биз яшаб турган Қайнар яйловига, умуман, алоқачи келмайди. Олган рўзномаларимни ҳам Қорабош сойдаги қўшни отардан келтириб бердилар. Биз ҳам молларни яйловга ёйиб, рўзнома ва ойномаларни ўқишни яхши кўрамиз, болаларимиз ҳам мактаб дарсликлари билан чекланиб қолишни истамайди. Аммо алоқачиларимизнинг маошлари тўрт-беш баробар ортса ҳам, нима учундир уларга гўшт ва сут етиштириб бераётган чўпонларни менсишмайди. Куни кеча «Қишлоқ ҳақиқати», «Тошкент ҳақиқати», «Маърифат» (келинимиз учун) ва «Оҳангарон» рўзномаларига 1993 йил учун обуна бўлдик. Аммо ишончим комилки, уларни ҳам йил давомида тўлиқ ололмаймиз. Тағин ким билади...

Шарофиддин НУРМУҲАММЕДОВ, район агросаноат бирлашмаси раисининг биринчи муовини:

— 1992 йил учун қатор рўзнома ва ойномаларга обуна бўлганман. Бироқ ҳеч қачон уларни тўлиқ олмаганман. Шундай бўлгач, энди уларни ҳар куни киосклардан сотиб олганим яхши эмасмикан, деган фикр туғиляпти...

Мўмин ҚАЮМОВ.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

„Маърифат"

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ: БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ, ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ.

ФАОЛЛИК БИЛАН

Чироқчи туманидаги 44-ўрта мактабнинг ўқитувчилар жамоаси матбуот нашрларининг нархи қимматлашганига қарамай, янги йил учун рўзнома ва ойномаларга уюшқоқлик билан обуна бўлдилар.

Норқизил Дўстмуродов, Иброҳим Жовлиев, Қодир Йўлдошев, Абдираим Қиличев каби ўқитувчиларнинг ҳар бири 4—5 тадан матбуот нашрларига обуна бўлдилар. Улар янги йилдан бошлаб «Маърифат»ни ҳам ўқишади.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.
Қашқадарё вилояти.

ДИЛ СУҲБАТИ

МУАЛЛИМЛАР МУДАРРИСИ

Биз бу нуроний инсонни муаллимлар малакасини ошириш институти тингловчилари даврасида учратиб қолдик. Давлатимизнинг ҳамма бурчакларидан келган ўрта мактабларнинг тарих ўқитувчилари билан тўрт соатлик дарс-суҳбат тугал бўлса ҳам, «илмоқли» саволларнинг ниҳояси кўринмасди. Тингловчилар, аниқ ва ишонарли жавоблар олишни истар эдилар. Уларнинг бу талабларини фалсафа фанлари доктори, профессор Қўчқор Хоназаров самимий қониқтирди...

Яқинда Қўчқор Хоназаров 70 ёшга тўлди. Унга қатор саволлар билан мурожаат қилдим.

Мухбир: Аввало, Сизни муборак етмиш ёшга тўлишингиз муносабати билан қутлайман. Ёшлик йилларингиз, ҳаёт йўлларингиз, ҳақида сўзлаб берсангиз, чунки бу ҳозирги ёшлар, маорифчилар учун бир дорилфунун бўлади, деб ўйлайман.

Қ. ХОНАЗАРОВ: Қутловингиз учун ташаккур. Мана, ҳаш-паш дегунча етмишни уриб қўйибман. Лекин ишлаш иштиёқим, тадқиқотчилик истагим ҳеч-ҳеч камайгани ёки ўзгаргани йўқ. Қайтага ғайратимга ғайрат қўшилди, дейишим мумкин, чунки жамиятдаги янгиланиш жараёнлари туфайли илм аҳли олдида янги, мисли кўрилмаган истиқболлар очилди ва фанга ҳақиқий хизмат қилиб, дилдаги ғояларим ва миямдаги фикрларимни тадқиқотчи сифатида одамларга бахш этиш учун эндиликда чексиз имкониятлар очилди.

Таржимаи ҳолимни сўраяпсиз. Мен ҳаётда биринчи қадамлар қўя бошлаганимда, ҳали жамиятимизда капитализмдан қолган бозор иқтисодиёти ҳукмрон эди, у жамиятдаги ҳар бир кишидан ҳаракатни, ишчанликни, ғайратни, тиришқоқликни талаб қилади, танбаллар, дангаса ва лоқайдларни тезда тубанликка итқитиб ташлайди, ишёқмасларга нисбатан беҳаҳм ва бешафқат бўлади.

Кўз очиб кўрганим меҳнат бўлди.

Саккиз ёшимда отам бозорга олиб бориб, менга болалар учун махсус тайёрланган кетмон харид қилдилар. «Кетмонни маҳкам ушла, кетмон чопган оч қолмайди», дедилар. Бир неча ҳафта ичида дадам менга бодринг чопиғи карамникидан, картошканинг чопиғи бақлажонникидан қандай ва нима учун фарқ қилишини кўрсатиб бердилар, мен бу «дарсларни» ўзлаштирдим... Бу ҳақда гапиришнинг боиси шундаки, маъмурий бўйруқбозлик социализмини қуриш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йилларида биз болаларимизни меҳнатдан узоқлаштирдик.

Мени ёшлигимдан энг қизиқтирган нарса ўқиш, ўрганиш, билиш эди. Бунга вақт йўқ, мен вақтни уйқуни тарк этиш, ўйин-кулгиларидан воз кечиш ҳисобига топар эдим. Шунга ғулланиш шуни кўрсатдики, унинг билан файласуфлар қизиқмаганлар, чунки бу масала тилшуносларнинг вазифаси деб қараганлар. Тилшунослар эса ўз навбатида тилнинг фалсафий талқинини бериш файласуфларнинг бурчи деб, бу масалани четлаб ўтганлар.

1953 йили «Тил ва миллат» деган мавзуда номзодлик иши, 1963 йилда «Миллатларнинг яқинлашуви ва миллий тиллар» деган мавзуда докторликни ёқладим. Уларда ҳозирги замон шароитида миллий тилларнинг эркин ривожланишини таъмин этиш тарихий зарурият эканлигини асослаб беришга урындим. 1991 йилгача Коммунистик партия ва Совет давлати миллатларни миллий тилларни қўшиб юбориш сиёсатини амалга оширдилар. Мабодо, СССР деб аталмиш олтин қафас парча-парча қилиб ташланмаганда эди, XXI асрнинг биринчи ярми давомида улар секин-аста ўз тилларидан жудо бўлиб, битта умумий тилга кўчишлари олдиндан белгилаб қўйилган эди. «Қизил империя» даврида ўзбек миллати ҳам ўз миллий тилини йўқота бошлади, миллатимизнинг анчагина қисми ўзбек тилининг бутун бойлиги, унинг нозик ибораларини, инсон фикрининг энг нафис томонларини ифода қилувчи сўзларини ёддан чиқариб, умумсовет тилига тегишли сўзлар, иборалар, сўз бирликларини ишлатадиган бўлиб қолгандилар.

Ўз тадқиқотларимда мен яна бир муҳим масалани асослашга интилдим: ҳозирги байналмилаллашиб бораётган дунёда умумжаҳон тилларини, бизнинг 1991 йилгача мавжуд бўлган СССРда эса умумрус тилини билмасдан, жаҳон маданияти, техникаси ва технологияси фанлари билан кенг танишиб бормасдан ва бу ютуқларни ўзлаштирмасдан ўз миллатини замон талаблари даражасига кўтариш мумкин эмас. Шубҳасиз тўғри бўлган бу фикримдан 1991 йилгача мавжуд бўлган тарғибот ва ташвиқотимиз фақат бир томонлама фойдаланди, яъни СССРдаги ҳамма миллатлар ва элатлар рус тилини билиши шарт деб, мени ҳар қадамда сотишди, айни вақтда миллий тилларнинг ҳар томонлама эркин ривожланиши лозимлиги тўғрисидаги фикрларимни қоралашди.

Мухбир: Марксча-ленинча фалсафа йиллар давомида зўр бериб ўрганилди. Энди-чи... ҳозирги кунда у эскириб қолмадими?

Қ. Х.: Жуда қийин савол. Лекин жавоб беришга уриниб кўраман. Фикримча, марксча-ленинча фалсафа фанида унинг икки томонини бир-биридан фарқ қилиш даркор: биринчидан, унинг умумфалсафий асослари ва, иккинчидан, бу асосларга таяниб, жамиятдаги муаммоларни ҳал этиш йўллари. Марксча фалсафа қаршиликларни кучайтирмоқ керак. Бунинг учун эса ҳар бир жамиятдаги синфларни бир-бирига қарши қўйиш, синфий кураш алангасини баралла кўтариш лозим дейилмоқда, шу асосда хўжаликни биладиган, ишлаб чиқаришни ташкил қиладиган завод-фабрика эгалари, ер эгалари, муштумзўрлар отиб ташланди, сургун қилинди, бадарға бўлди, чет элларга қочиб кетишди, юз минглаб инженерлар, техниклар, иқтисодчилар, тарихчилар, маданият ходимлари «эксплуататор синфларнинг ҳомийлари» деб суд қилинди, мол-мулки мусодара этилди. Сибирь ўрмонларида ҳаёт билан видолашдилар... Марксча-ленинча фалсафани олийгоҳларда ўқитганда, ана шу нарсаларни инобатга олиб дарс бериш даркор, деб ўйлайман.

Мухбир: Ҳозирги жамиятимизда бўлаётган ўзгаришларни кўриб, жамиятимиз капитализм томон бурилмоқда, десак, бўладими?

Қ. Х.: Капитализмга қайтмоқдамиз дейиш нотўғри бўлади, деб тўла ишонч билан айта оламан. Нима учун? Чунки капитализм қандай қийинчиликлар ва ички зиддиятларга эга эканлиги аён. Биз инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий ва ошкоравий давлат учун курашмоқдамиз, яъни жамият капитализм қобиғида ривожланиб, эришган ҳамма ижобий томонларини қабул қилиб оламиз ва шу билан бирга унинг салбий томонларини, жиддий камчиликларини ўзимизга яқинлатмаймиз. Албатта, бу тўғрида гапириш осон. Лекин, кўриб турибмизки, жамиятимизга бозор иқтисодиёти қоидалари билан бирга ўғрилар, қароқчилар, муттаҳамлар, алдам-қалдамчилар, қуролланган гуруҳлар кириб келмоқдалар. Шундай бўлиши жараённинг бошланғич қисмида муқаррар нарсадир. Капитализм иллатларини топган ва халқ ақл-заковати, оқиллиги ва донишмандлигини намоён этган қадриятларни обрўсизлантириш — буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда мамлакатни хонавайрон қилиши керак эди ва шундай бўлди ҳам. Энди бу жарликдан, бу тубанликдан чиқиб олиш осон бўлмайди. Бунинг учун бутун жамиятимизни, тузумимизни, сиёсий ва иқтисодий тизимимизни бутунлай бошдан-оёқ, тагидан тахтигача тўла равишда ўзгартиришимиз зарур. Бошқа йўл йўқ, бошқа иложи ҳам йўқ. Бу эса меҳнатни, сабр-тоқатни, ҳовлиқмай, оқилона иш кўришни талаб қилади. Афсуски, вазият қанчалик жиддий эканлигини кўплар тушунмайдилар ёки тушунишни истамайдилар. Уларнинг фикрича, кўчага чиқиб, намойишлар, юришлар, иш ташлашлар, митинглар, қонли тўқнашувлар, тош бўронлар, очликлар ташкил қилинса, вазиятни «инқилобий йўл билан, тез ўзгартиш» мумкин эмиш. Асло бундай бўлиши мумкин эмас! Бу йўлдан борганлар Абхазия, Тоғли Қорабоғ ва Тожикистондаги аҳволга тушиб қолишлари турган гап.

Мухбир: Рўзномамиз ижодий жамоасига қандай тилак ва истакларингиз бор?

Қ. Х.: «Маърифат» рўзномаси жуда катта ижобий ишларни амалга оширмоқда. Газетанинг номи рўзнома жамоаси олдига жиддий вазифалар қўяди. Мустақил жумҳуриятимизнинг ўзига хос томони шундан иборатки, аҳолисининг ярмидан кўпи мактаб ёшидаги болалар, ўспиринлар ва мактабгача ёшдаги дўмбоқчалардир. Демак, тарбия иши, ўқитиш ва ўқиш иши бизнинг жумҳуриятимизда алоҳида ўрин тутади. Тарбиялаш эса фақат маорифчилар вазифаси эмас. Бу — ҳақиқатан ҳам умумхалқ ишидир. Фикримча, «Маърифат»га ҳали масалаларни қўйишда мустақиллик ва жанговарлик етишмагандай кўринади. Бунинг сабаби маъмурий-буйруқбозлик даврининг таъсири, зўрлигидадир. Фикримча, «Маърифат» газетаси ўз тажрибасига, фаолларига ва ишини янада яхшилаш имкониятига эга. Биз уни қўллаб-қувватлаймиз ва унга ҳар томонлама кўмаклашишимиз керак. Мен газета ижодий жамоасига чин қалбдан муваффақиятлар тилайман.

Мухбир: Самимий фикрларингиз учун Сизга ташаккур.

Суҳбатдош
Ашур Али АҲМАД ўғли.

ЯНГИЧА ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Умумтаълим мактабларида ўзбек адабиётини ўқитишни тубдан ўзгартириш, уни мутлақо қайта ташкил этиш давр тақозоси эканлигини англаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сўнггги чиқарган қарори айни муддао бўлганди. Унга мувофиқ жумҳуриятнинг таниқли адабиётшунослари, методист олимлари ва амалиётчи ўқитувчиларининг бир гуруҳи ўзбек адабиётини умумтаълим мактабларида ўқитишнинг бош йўналиши — концепциясини ишлаб чиқишга жалб этилди. Белгиланган муддатда тайёрланган бир неча концепциянинг ижобий жиҳатлари умумлаштирилди ва шу концепция асосида «Умумтаълим мактабларининг ўзбек адабиёти» ўқув дастурини тайёрловчи гуруҳ ташкил этилди. Дастурнинг мукаммал бўлишини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳи аъзолари қозоқ, қирғиз, тожик, беларус, украин, рус, гуржистон, арман, болтиқбўйи, турк мактабларида адабиёт фанининг ўқитилишини ўрганиб, уларда мақсадга мувофиқ бўлган ижобий жиҳатларини ижодий ўзлаштиришга ҳаракат қилдилар. Бу ишга қўл урганларнинг ҳеч бири шу вақтга қадар мактабларнинг адабиёт дастурини тузиш ишларида қатнашмаганлиги сабабли, мазкур дастур илгаригиларидан фарқли чиққан.

Дастур лойиҳасида адабиёт илмининг сўнгги ютуқлари ҳисобга олинди. Муаллифлар адабиётга, уни умумтаълим мактабларида ўқитишга ниятлар бор сиёсий фан сифатида эмас, балки ундан санъат асари сифатида ўқувчиларни баҳраманд этишни назарда тутган ҳолда муносабатда бўлдилар. Бу ўз ўрнида мактаб адабиёт дарслигига имкони борича сўз санъатининг ҳақиқий намуналарини киритишни талаб этади. Шунинг учун, ҳам улар янги дастурга Яссавий, Рабғузий, Сўфи Оллоёр, Машраб, Муҳаммад Солиҳ, Ҳувайдо, Огаҳий, Хоразмий, Мунис, Комил, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Авлоний, Усмон Носир сингари «унутилган» адибларнинг бадиий-баркамол асарларини киритишни лозим топишди. Кўп йиллардан буён ўрганиб келинаётган Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон сингари ижодкорларнинг асарларини ўрганишда ҳам янгича ёндашув зарурлигини исботладилар.

Шу пайтга қадар юқорида номлари саналган адибларнинг ҳукмрон сиёсатни ёқлашга хизмат қиладиган асарларини ўрганиш кўзда тутилса ёки уларнинг асарларини сиёсатга мослаб талқин қилишга уриниш етакчилик қилган бўлса, янги дастурда мактабда ўрганилиши мўлжалланган ҳар бир бадиий асарга, энг аввало, санъат ҳодисаси сифатида қаралди.

Дастур эълон қилинганидан кейин кўпчилик ўқитувчилар ўрганиш учун тавсия этилаётган асарлар жуда кўпайиб кетган, уларни ўрганишга ажратилган соатлар миқдори эса жуда оз қабилида эътирозлар билдиришди. Дастур муаллифлари эса айни ўрганилиши лозим бўлган асарларнинг кўплиги ўқувчиларни толиқтирмайди, адабиёт дарсларини зерикарли бўлишидан сақлайди деб ҳисоблаган эдилар. Негаки, ўсмир ёшидаги ўқувчи хилма-хилликни севади. Уни ҳар қандай бир хиллик толиқтиради. Дастур муаллифлари ўқувчиларнинг юкларини ўта «енгиллатиш» йўлидан ҳам бормасликка ҳаракат қилдилар. Чунки енгил юк болани ҳафсаласизликка, имкониятларини чегаралашга ўргатади. Натижада тафаккур ўтмаслашади, дунёқараш илгарилаш ўрнига борган сайин қотма бўлиб қолаверади. Ҳолбуки, ўтмишда, Туркистоннинг ибтидоий мактабларида Қуръони Карим ўрганилган, Саъдий Ҳофиз, Навоий асарлари таҳлил этилган ва ўша даврболаларига оғирлик қилмаган. Аксинча, ўқувчиларни фаолиятсизлик, тафаккурнинг бекорчилиги чарчатиб қўяди. Дастур муаллифлари адабий таълимда асосий нарса нимани ўргатишдан ҳам кўра қандай ўргатишда эканлигини ҳисобга олганлар ва ҳар синфдаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига яраша вазифа қўйганлар.

Янгича тафаккур маҳсули сифатида пайдо бўлган мазкур дастур кўпчиликнинг фикри ёрдамида тобига келтирилди, такомиллаштирилди. Умид қиламизки, мазкур дастур миллатимиз ижтимоий онгини, маънавий оламини шакллантиришда, ёш миллатдошларимизнинг тўла маънодаги чинакам шахслар сифатида тарбиялашишида муайян аҳамият касб этишда дадил қадам бўлади.

Акрам КАТТАБЕКОВ,
филология фанлари доктори, профессор.
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

ҲАҚЛИ САВОЛ

Бизда миллий мактаб яратиш учун шарт-шароит ва имкониятлар борми? Ҳа, бор. Хўп, унда ишни нимадан бошлаш керак? Албатта, таълим жараёнидан. Таълимга бағишлаб кўплаб илмий ишлар чоп этилган. Мазкур ишларда таълим жараёни муайян фан доирасидагина алоҳида олиб қаралади. Масалан, методистлар таълим жараёнини методик режада, яъни мухтасар ўқув фанининг ўзига хос хусусияти билан боғлаб талқин этадилар. Руҳшунослар таълим жараёнини мотив ва таълим механизми режасида, социологлар эса таълим жараёнида фаол иштирок этувчи ўқувчилар жамоасига ўзаро ҳаракатдаги тартиб сифатида қарайдилар.

Демак, таълим жараёнига ўз соҳаси доирасидагина алоҳида ёндашиш шу муаммони ҳал этишга эмас, балки турли маълумотларни йиғишга хизмат қилади. Таълим жараёни муаммосини тўғри ҳал этиш эса методик, руҳшунослик ва социологик қарашларни умумлаштирувчи ягона ёндашишнинг мавжуд бўлишини талаб этади. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, кейинги йилларда юқорида айтилган ягона ёндашишнинг мавжуд эмаслиги таълим жараёни самарадорлигининг паст бўлишига олиб келди. Шунинг учун миллий мактаб яратиш муносабати билан таълим жараёнини тубдан кўриб чиқиш, уни қайта қуриш ўқитувчилар зиммасига юклатилмоқда.

Шундай экан, ҳозирги ўқитувчилар олдида методика фани билан бир қаторда руҳшунослик ва социология фанларини билиш вазифаси турапти. Маълумки, ўқитувчилар руҳшунослик фанидан у ёки бу даражада билимга эга, лекин улар социология фанидан бехабардурлар.

Социология фанининг талаблари: дарс жараёнида иштирок этувчи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш, яъни ўқитувчи баён этган ўқув материалига ўқувчилар ўз муносабатини билдира олиши; дарс жараёнининг методик, руҳий, социологик томонларини умумлаштириб ёритиб бера олиш: ўқув мавзусининг ахборот ва амалий томонларини ола бориш. Шунинг учун ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш олийгоҳларида социология фани бўйича маъруза ва курслар очиш лозим бўлади. Бу иш қанчалик тез йўлга қўйилса, шунчалик яхши.

Ҳозирги ҳаракатдаги ўқув дарсликлари асл нусхали методик концепцияга асосланиб яратилмаган, рус мактаблари учун чоп этилган дарсликлар ўзбек тилига таржима қилинган. Натижада уларда ўзбек миллий руҳи эмас, аксинча, рус миллий руҳи сезилиб туради. Шу билан бирга республикамизда асл нусхали методик концепцияга асосланиб яратилган дарсликлар ҳам мавжуд. Масалан, методистолим Ж. Жалолов томонидан 70-йиллардаёқ ўзбек ўқувчиларининг тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойилига асосланган ўзбек ўқувчилари учун инглиз тили дарсликлари яратилди.

Демак, миллий мактаб барпо этиш учун бизда имкониятлар бор. Ж. Жалолов яратган намуналар бугунги кунда миллий мактаб барпо этишда барчамизга қўл келади.

«Ўқитувчи» нашриёти томонидан 5-11-синфлар учун чет тиллар бўйича янги дастурнинг чоп этилиши муҳим воқеадир. Мазкур дастур методист-олим Х. Сайназаров раҳбарлигида яратилди. Унинг яратилиши миллий мактаб барпо этишда дадил қўйилган илк қадамдир. Чунки дастур миллий мактабларда чет тилларни ўқитишнинг асл нусхали методик концепциясига асосланган. Унда ўзбек ўқувчиларининг миллий хусусияти ҳисобга олинган. Агар муаллифлар ўқувчиларнинг тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойили асосида, дарсликлар яратиш жараёнида она тили ва рус тили ижобий таъсирининг муайян даражасига таяниб иш кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Дастурда фанлараро алоқа яхши талқин этилган. Чет тили билан алоқалар фақат она тили ҳамда рус тили ўртасидагина бўлиб қолмай, шу билан бирга унинг тарих, жуғрофия, адабиёт каби қатор фанлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши ҳам кўрсатилган.

Демак, ўқитувчилар, методистлар, олимлар таълим жараёнининг ичига кириб, у ерда яратилган миллий асл нусхали методик концепцияларни қидириб топишлари, уни таҳлил этиш ҳақида янги-янги миллий нусхали методик концепциялар яратишлари лозим бўлади. Бу эса бугунги ўқитувчидан ижодкорликни талаб этади.

Шу муносабат билан яна бир муаммо майдонга келяпти: у ҳам бўлса, жойлардаги методика кабинетлари ижодкор ўқитувчиларни қидириб топиши ҳамда улар билан аниқ методик йўналишда иш олиб бориши зарур. Бу борада «Ижодкор ўқитувчилар клуби» тузилса, жуда яхши бўлади.

Ҳ. РАСУЛОВ,
Фарғона вилояти Фрунзе районидаги 5-ўрта мактаб директори.

НИШОНГА МУНОСИБ МУАЛЛИМ

Биз Қўшработ районидаги 68-мактабда ёш авлодга таълим-тарбия берамиз.

1988 йилда ҳамкасбимиз, расм-чизмачилик фани ўқитувчиси Музаффар Бегматовни мактаб жамоаси «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» нишонига тавсия этган эди. 1990 йилда у яна район халқ таълими бўлими томонидан ҳам шу нишонга тавсия этилди.

Мана, икки йилдан ошди ҳамки, нишонни ололмаяпти. Музаффар Бегматов фаолияти 1987 йилда район методика бўлими томонидан оммалаштирилганди. Унинг ўқувчилари 1989 йилда Пятигорск шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ ўқувчилар ишлари конкурсида иккинчи ўринни олишган. Ўзи эса бир неча марта вилоят, республика расм-чизмачилик ўқитувчиларининг кўргазма ишларида қатнашиб, яхши натижаларга эришганди. Шу йил мартда Тошкентдаги Халқ Хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ҳам фаол қатнашганига қарамасдан бу борада ҳеч қандай рағбатлантириш сезилмаяпти. Бунинг биронбир сири бормикан? Биз ҳамкасбимизнинг ҳалол хизматлари муносиб тақдирланишини истаймиз.

А. ҲАМРОЕВ.
Самарқанд вилояти.

Фармон ва ижро

ҚЎЛ ҚОВУШТИРИБ ТУРМАЙМИЗ

Мустақил жумҳуриятимиз аҳлининг турмуш тарзини ўйлаб, республика раҳбарияти кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Шу жумладан, ўқитувчиларга ҳам бир талай имкониятлар яратилди. Бу имтиёзларнинг жойлардаги ижроси қандай бўлаяпти?

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз районидаги 2-қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси бир неча йилдирки, аҳолига қурилиш материаллари, хусусан, ғишт, бетон ҳамда плиталар етказиб беришда беминнат хизмат қилиб келмоқда. Янги фармонларга асосан, ўқитувчиларнинг ҳам бу материаллардан имтиёзли фойдаланиши кўзда тутилган.

— Президент фармонларидаги алоҳида бандларни бажариш жойлардаги ташкилотларнинг раҳбарларига ҳам боғлиқдир, — дейди корхона директори Султонмурод Боқиев. — Районимиздаги ишлаб чиқариш ташкилотларидан ташқари, мактабларнинг ўқитувчиларини ҳам вақти-вақти билан арзонлаштирилган нархда пишган ва хом ғишт билан таъминлаб туришни йўлга қўйганмиз! Масалан, шу йилнинг ўзида вилоят бўйича бир неча ўн нафарга яқин ўқитувчидан уй қуриб олиш учун пишган ғишт сўраб илтимоснома тушди. Шунингдек, ўнлаб янги мактаблар, қўшимча синфхоналар қуришда ҳам корхонамиз ўз саховатини дариғ тутган эмас.

Иқтисодий танқислиқдаги қийинчиликларга қарамай, ойлик ва йиллик топшириқларни белгиланганидан ортиқ қилиб бажариб келаяпмиз. Чунончи, райондаги Оммоғон қишлоғида қад кўтарган 1150 кишига мўлжалланган янги мактаб биноси, Чоршанба посёлкасида ишга туширилган мактаб, тўртта болалар боғчаси ва район касалхонасининг янги тармоғи ҳам шу йил ҳисобидан қурилиб, уларни тезроқ тугаллашда корхонамиз керакли қурилиш материаллари билан таъминлаб турди.

Аҳолига беминнат хизмат кўрсатишда илғор ишчиларимиздан Ж. Тоиров, В. Холиқов, Э. Қосимов, Н. Искандаров, С. Холиқов, У. Рўзиев, Р. Қурбонов, Ч. Ўринов, Р. Аҳмедов ва бошқалар пешқадамликни қўлдан беришмаяпти.

Яқинда республика колхоз қурилиш трестлари бўйича ўтказилган уч ойлик якунга кўра корхонамиз жамоаси биринчи ўринни олиб, 25 минг сўм пул мукофоти билан тақдирландилар... Албатта, ҳозирги шароитда бу маблағ камлик қилади, лекин одамларимизни биз қанча кўп рағбатлантирсак, иш унумдорлиги ҳам шунчалик ортиб бораверади.

Аҳолига хизмат кўрсатишда олдимизда бир талай муаммолар ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Масалан, ғишт тайёрлашда хомашё етишмаяпти, тупроқ 10—15 километр узоқликдан ташиб келтирилади. Бу эса маҳсулот таннархининг ошиб кетишига асосий сабаб бўлмоқда. Янги жойдан завод қуриб берилиши кўзда тутилганига қарамай, негадир бу иш орқага сурилмоқда. Газлаштириш масаласи ҳам «Ўзбекгаз» бирлашмаси томонидан пайсалга солинмоқда.

Хуллас, гапирса гап кўп. Муаммолар талайгина. Лекин уларни ҳал этишда биз елиб-югурганимиз билан ёрдамлашиш ниятида бўлганлар, афсуски, камчиликни ташкил этаяпти.

Энди ўқитувчиларга навбатдан ташқари қурилиш материаллари бериш хусусида ҳам икки оғиз сўз. Биз мураббийларимизга биринчи навбатда хизмат кўрсатишга тайёрмиз. Мактаб ва боғчалар қурилишида ҳам худди шундай. Фарзандларимизнинг яхши билим олиб, келгусида етук кишилар бўлиб етишиши учун улар фидойилик қилишаётган бир шароитда биз қўл қовуштириб турсак, назаримда, инсофдан бўлмаса керак...

СУРАТЛАРДА: Шаҳрисабз районидаги 2-қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасининг бир гуруҳ ишчилари ғишт заводида. Эртанги кунда қилиниши зарур бўлган ишлар режалаштирилмоқда.

Баҳром ЖАББОРОВ
тасвирга олган.

Одобнома

ИНСОННИНГ НОЁБ ФАЗИЛАТИ

Инсон инсонга ғанимат, — дейди доно халқимиз. Ширин сўз, ёқимтой шахс ўз суҳбатдошига ҳар доим ҳам ёқади. Бировга яхшилик қилиш, хушмуомалада бўлиш оғир меҳнат талаб қиладиган ҳаракат эмас. Бу беғараз хислатга эга бўлиш учун эса бирор нарсадан воз кечишнинг ҳожати йўқ, албатта. Аммо дилтортар сўзимиз билан атрофимиздагиларга яхши кайфият бағишлашимиз мумкинлигини кўпинча унутиб қўямиз. Аксига олиб, ҳаммамиз ҳам атрофимиздагилар билан доимо самимий муомалада бўлиш қудратига эга эмасмиз. Хўш, нега? Бизнингча, бу савол устида янада кўпроқ бош қотирсак фойдадан холи бўлмас.

Азал-азалдан ота-боболаримиз бизга ширин сўзлашдан, ўзгалар қалбига озор етказмасликдан, ҳалол ва пок бўлишдан сабоқ бериб келишган. Афсуски, ана шу ҳаёт удумларини кўпинча ҳозирги алғов-далғов замонда унутиб қўяётганимизни билмай қоламиз.

Ширинсуханлик кўпинча шароитга, инсонлар асабига ҳам жуда боғлиқдир. Савдо растасида навбат кутаётганларга қарамай, сотувчига пул узатасиз, кимнингдир асабига тегасиз:

— Шошиб турибман эмиш! Кимнинг иши йўқ?!

Донишмандлардан бири «Гапирмагунча ҳамма доно», деб айтган экан. Дарҳақиқат, бир хонадонга меҳмон бўлиб таклиф қилингансиз. Соҳиби хонадондан бошқани танимайсиз, сиздақангилардан хонада кўпчилик. Одоб нуқтаи назаридан уй тўрида ўтирган ёши улуғ одамдан гап кутасиз. У киши ҳали сўзлаганлари йўқ. Ҳозирча доно. Бир-икки оғиз сўзини эшитганингиздан сўнг ўзингизча фикр юрита бошлайсиз. Одоб, ахлоқ, илм, фан, маданият, ҳаётий оқил тажриба ва шунга ўхшаш суҳбат бошланса яхши-я, аммо ёшига ярашмаган ҳулқ ва сўзлар дарров мажлиснинг файзини, инсоннинг бурдини кетказиб қўяди. Бундай ҳолатда Мавлоно Завқийнинг «Садафлар кўп оғиз очмоқ бирла кўкси бўлур ҳоли, нединким оғзини то очди, гул барги хазон бўлди»,— деган ибораси ўрнида айтилганига тасанно айтасиз. Қани эди, суҳбат тизгинини ўзгага берса. «Нотиқ маҳмадона бўлса, мажлиснинг бурди кетар»,— деб бекорга айтилмаган. Агар суҳбат олиб борувчи оқил киши бўлса, фақат ўзи сўзлабгина қолмай, вақти билан мажлис аъзоларига ҳам навбат берадики, бундан сўзлагувчи ва эшитгувчилар ҳам манфаатдор бўладилар. Бундай ҳолатда ўйлаб, ақл ва тўғри сўзни сўзлаш одобга киради. Буюк бобомиз, сўз мулкининг султони Алишер Навоий шундай деган эканлар: «Ақлли одам ёлғон гапирмас, аммо барча рост гапни айтавериш ҳам тўғри эмас. Бировнинг кўзи ғилай — ногирондир, аммо бунга у айбдор эмасдир... Бировни ноҳақ хижолатга солмоқ — ўз нодонлигини изҳор қилмоқ ва бир кўнгилни оғритмоқдир». Бу доно сўзларнинг мағзини чуқур чақиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ҳадисда таъкидланишича: «Сўзнинг фойда-зарарини ўйлаб сўзлаган киши одамлар олдида буюк ўрин олгани каби Аллоҳ таоло қошида ҳам марҳаматга тегишли одам бўладир. Ақли бор одам ҳар вақт ўзига зарар келтиратурган сўзлардан сақланур... Мусулмон одам, ўзини Аллоҳга топширган киши ёлғон сўзлашга йўл қўймас. Ўзига фойдали, зарарли бўлишига қарамасдан ҳар вақт тўғри сўзлар. Ёлғон сўзламоқлик қўлидан иш келмайдиган тубан кишилар одатидир. Тўғри сўзли одам ўз ишини ўзи бажарувчи, ишида собит турувчидир. Шунинг учун у ваъда қилса, ваъдасини амалга оширур. Ҳар хил гапларга алданиб, ваъдасини бузмас».

Дарҳақиқат, аждодларимиз ҳамиша тўғри сўзни, хуш ҳулқни, хушчақчақликни яхши кўрадилар. Бунинг сабабларидан бири ҳаётга умид ва ишонч билан қарашдир. Маъюслик — умидсизликни, кўнгилғашликни вужудга келтиради, бинобарин, қўполлик ва одобсизликни келтириб чиқаради. Хушчақчақ бўлмаган одам сержаҳл бўлади. Бу нарса ўз навбатида ишда, оилада, бозорда одамлар билан ёмон муносабатга сабаб бўлади, ишга салбий таъсир қилади. Ҳамиша хушчақчақ бўлиш умрни узайтиради, саломатликни мустаҳкамлайди. Умрни узайтиришнинг бирдан-бир йўли руҳан тетик бўлишдир. Руҳий тетиклик — энг яхши дори.

Қўполликдан сақланиш, ҳаяжонланиш ва қийинчиликлар олдида ўзини тута билиш, биринчидан, одоблиликдан далолат берса, иккинчидан, саломатлик учун фойдалидир. Донолар дейдиларки: «Жоҳил билан тортишиб ўтирган олим ҳурмат кутмасин. Бирор жоҳил сўзлаб, олимни сукут эттирса, таажжуб қилманг. Чунки тош гавҳарни синдира оладди». Ҳа, маъносиз, пойма-пой сўзламоқдан кўра сукут қила билиш нодир фазилатдир. Суқротга айтдилар:

— Фалон киши сен ҳақингда кўп нолойиқ сўзлар айтиб юрибди. Нега бепарвосан?

Суқрот жавоб берди:

— Нима ҳам дейишим керак? Ахир у бечора ҳарким ҳақида нолойиқ ва ярамас сўзлар айтиш касалига йўлиққан. Шунинг учун уни маъзур тутаман.

Демак, ҳар бир сўзни ўйлаб, ўз ўрнида гапириш лозим.

Бир оғиз ширин сўз — дил малҳами, ҳаёт лаззати, инсон ҳурмат-иззати. Сўз кишилар ўртасидаги шундай бир алоқа воситасидирки, унинг ҳаётимизда тутган ўрнини тавсифлаш ҳам, баҳолаш ҳам қийин. Сўз — инсоният учун бебаҳо хазина, у мўъжизалар ярата оладиган жуда катта ижтимоий куч. Шу боис бобомиз Алишер Навоий ширин сўзли бўлишликнинг аҳамиятини жуда юқори баҳолайди: «Мулойим такаллум — ваҳшийларни улфат сари бошқарур, фусунгар — афсун била йилонни туйнукдан чиқарур». Дарҳақиқат, ширин муомалали бўлиш ҳар бир кишининг инсонийлик фазилатидир. Бу фазилатни ёш авлодда камол топтириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак.

Э. БЕГМЕТОВ,
В. И. Ленин номидаги Урганч дорилфунуни доценти.

ОЙНАДАН ЎПКАЛАМА...

Ота-боболаримизнинг эзгу урф-одатларини асраб-авайлаш биз — фарзандлар учун ҳам қарз, ҳам фарз. «Тўғри бўлинг — беҳаводир бўласиз, мақтанчоқ бўлманг — уятга қолмайсиз, данғаса бўлманг — бахтсиз бўлмайсиз», дейди «Уч оға-ини ботирлар» эртагининг қаҳрамони.

Яқинда қишлоқ ғузарида — мактабимиз қаршисида янги бекат қурилди. Биз буни кўпдан бери зориқиб кутардик. Энди саратоннинг жазирама офтобидан, кузнинг ёғин-сочинидан, қишнинг қировли кунларида эса изғиринли шабададан панада туриш мумкин. Ҳаммамиз хурсанд эдик. Аммо...

Икки кун ўтди — бекатнинг оппоқ деворларида қора чизгилар пайдо бўлди, уч кун ўтди — беҳаё суратлар чизилди, тўртинчи куни эса бу суратлар ёнига изоҳ берилган тагхатлар ёзилди. Шундай ёзувларки, ўқувчи синфдаги ёзув тахтасига ҳам бундай текис ва «чиройли» ёзмайди. Ҳафта ўтмай бекат деворлари тешиб ташланди, ўриндиқлар синдирилди.

Ҳар куни эрталаб мактабга бекат ёнидан ўтамиз. Шундай пайтда бекат шаҳарга қатнаб ишлайдиган ҳамқишлоқлар билан тўлиқ бўлади. Ҳамманинг кўзи девордаги суратларга, ёзувларга тушади — кимдир қизаради, кимдир юзини бошқа ёққа буради. Бу бекатнинг «безаги» қишлоғимиз кишилари тарбиясидан бир кўргазма эмасмикан, деб ўйлаб қоламан. Бундан изтиробга тушмаслик мумкинми?

Биз, нафақа ёшига яқинлашиб қолаётган авлод, жуда оғир дамларни кўрганмиз. Қорин нонга тўймаган даврларда ҳам кишиларимизда имон бўлган. Бировнинг ҳақига хиёнат қилиш, етимнинг нонини «туя» қилиш ҳақида хабарлар бўлмаган. Уттизинчи йиллардаги йўқчиликда ҳам, Улуғ Ватан уруши давридаги машаққатли дамларда ҳам юртимизда ўғрилик, порахўрлик, чайқовчилик ҳақида гап-сўзлар бўлмаганди.

Биз таълим-тарбияда миллий заминдан жуда узоқлашиб кетганлигимизни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Элас-элас биламан, қишлоғимизда бир йигит мол ўғрилаб, қўлга тушиб қолди. Ўғрини ушлаган киши маҳалла аҳлини тўплади. Қариялар мол ўғрисининг бошига терини ёпиб кўча айлантиришни маслаҳат бердилар. Бу тан жазоси ҳам, моддий жазо ҳам эмас, балки шундай бир маънавий жазо эдики, унинг ўрнини ҳеч бир бошқа жазо босолмасди. Ўшандан буён яқин-яқингача қишлоққа мол ўғриси оралаганини эслолмайман.

Эндиликда бизнинг бепарволигимиз натижасида мол ўғриларигина эмас, номус ўғрилари ҳам пайдо бўла бошладики, бугун бу иллатга ҳам бармоқ орасидан қараяпмиз. Ахир, бурунги вақтда бепадар фарзанд кўриш ўлимдан ҳам оғир ҳисобланган.

Ундай одам маҳаллага, элга қўшилмаган, у билан ҳеч ким муносабат ўрнатмаган, қуда-андачилик қаёқда, бир дастурхон атрофида ҳам ўтирмаган. Куёв кўрмай фарзандлик бўлган бир қизни қишлоқ аҳли халқона жазолаганининг гувоҳи бўлганман. Эсимда, айбдорни уришмади, сўкишмади, шунчаки ортирган боласини саватга солишди-да, уни бўйнига осиб қишлоқ кўчаларини айлантириб сазойи қилишди. Шундай бўлса керак, ўша вақтларда бундай номақбул чиликка журъат қилган кимсалар бўлмаган.

Кейинги йилларда «инсонийлик»ни ҳаддидан ошириб юборганга ўхшаймиз. Натижада кўплаб айбдорлар жазосиз қолмоқда. Оқибатда балоғатга етмаган ёшлар орасида бепадарлар кўпайиб, болалар уйлари «тирик етимлар» билан гавжумлашмоқда. Буларнинг бари ташвишли — киши кўнглини ҳижил қиладиган ҳол. Бугунги мактаб ҳаётини кўздан кечирарканмиз, латофатли, одобли қизларимиз ҳулқида кўрслик, эркакшодалик кучайиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Қани, айтинг-чи, ўғил бола билан эркакча сўкишиб турган қизларни ким кўрмаган? «Бирники мингга, мингники туманга татийди», дейди доно халқимиз.

Тарбиявий соат ва одобнома дарсларини ана шундай иллатларнинг илдизларини очиб беришга, унинг фожиали оқибатларини тушунтиришга йўналтириш жоиз. Ота-оналар мажлисларида халқимизнинг миллий тарбия заминига асос бўлгулик урф-одатларини тарғиб қилайлик. Усиб келаётган ёш авлодда уялиш, ор-номус туйғуларини шакллантиришда ота-оналар ва мактаб жамоаси бир бўлмас экан, кўзланган мақсадга эришиш қийин.

Тарбияда кўҳна Шарқнинг узоқ тарихи ва услублари бор. Яқинда телекўрсатувларнинг бирида Турғун Алиматов танбурда ажойиб куйларни, Муножат Йўлчиева эса мумтоз қўшиқларимизни ижро этишди. Залда ўтирган томошабинларнинг кўзларидаги ёшни кўриб, жуда-жуда тўлқинланиб кетдим. Бу томошабинлар зални бошларига кўтариб ҳайқирадиган, ер тепиб, ўзлигини унутиб юборадиган ғарб томошабинидан тубдан фарқ қилади. Шарқликларга хос улуғворлик, диловарликни улар тушунишмайди. Чуқур дарё тинч оқади, дейди халқимиз. Ота-боболаримизга хос олижаноблик бизнинг юриш-туришимизда, ўзаро муомаламизда, илмга муносабатимизда ўз ифодасини топмоғи керак.

Азимбой САРИМСОҚОВ,
Наманган вилояти Чуст районидаги 19-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

ТАРБИЯДА МЕЗОН БОРМИ?

Мактаб остонасига илк қадам қўйган гўдакнинг мурғак қалби оппоқ қоғозга ўхшайди. Унга нима ёзилса, ўша нарса умрбод муҳрланиб қолади. Бу ўринда аллома Гётенинг «Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар меваю япроқ» деган ҳикматини эслаш кифоя.

Маълумки, Туркистон замини муборак ва қутлуғ замин. Бу заминда ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Форобий, Беруний, ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, ал-Бухорий каби юзлаб жаҳонга машҳур мутафаккирлар камолга етганлар. Ана шу улуғ ўтмишдошларимиз ҳамиша тарбияни биринчи ўринга қўйиб келганлар. Тарбиясиз одамнинг феъл-атвори ноқис, қувваи ҳаввозаси тор бўлади. У ҳар қанча билимдон бўлса-да, одамларни ўзидан бездиради. Тарбия инсон маънавиятининг гултожидир.

Шу боисдан биринчи синфга келган болага дастлаб салом бериш ва унинг маъносини, яхши нима, ёмон нима, ҳалол нима, ҳаром нима, тўғрилик нима, эгрилик нима, каттага ҳурмату кичикка мурувват нима, раҳмлилик ва бераҳмлик нима, ўнг қўл ва чап қўлнинг, ўнг оёқ ва чап оёқнинг вазифалари нималардан иборат эканлигини дарсликлар асосида тушунтириб беришимиз керак. Устоз-муаллим устозлиги туфайли отадан улуғ эканлини, унинг гапига қулоқ солмаслик гуноҳ бўлишлигини уларнинг онгига сингдириб боришимиз лозим.

Бизнинг тарбиямиз шу даражада аросатда қолганки, ёшларимизнинг аксарияти ота-онасининг олдига салом бериб киришни, овқатни бисмиллоҳ билан бошлаб, алҳамдулиллоҳ билан якунлашни билмайдилар. Ўзининг баданини, усти-бошини, яшаётган уйини, ҳовлисини, кўчасини доимо тоза тутишни, пировардида бутун маҳаллани, қишлоқ ва шаҳарни озода тутиш, обод қилиш унинг хаёлига ҳам келмайди. Шу пайтгача уларни тантиқ, одобсиз, текинтомоқ, тайёрга айёр қилиб тарбиялаб келдик. Бу ёшлар комолатига катта зарар келтирди.

Эндиги вазифа — илк таълим жараёнидан бошлаб болаларга ўргатиладиган ҳар бир фан дарслигида одоб-ахлоқнинг мезонлари бўлган поклик, тўғрилик, ўз ризқини ҳалол йўл билан топиб ейиш, меҳнатсеварлик, Ватанни севиш, ўзлигини англаш, тежамкорлик, тадбиркорлик, авлодлар меросига меҳр-муҳаббат, илмга рағбат, сабр-қаноат, умр лаҳзалари қадрига етиш, раҳмдиллик, мурувват, ота-она ҳаққи-ҳурмати, мардлик, сўзлашиш одоби, омонатга хиёнат қилмаслик, бир сўз билан айтганда — диёнатли, комил инсон фазилатлари сингдириб юборилиши керак. Токи бу хислатлар умрбод болаларнинг қалбига муҳрланиб қолсин. Шу билан биргаликда салбий одатларнинг ёмон томонларини уларга ўргатиб бориш зарур. Дарслик яратилаётганда буларнинг барчасига оид мавзуларни Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва мутафаккир боболаримиз яратган нодир асарлардан олиниши керак. Бу фикр фақат «Одобнома» дарслигига оид бўлмасдан, барча дарсликларга тааллуқлидир.

Миллий мактабни яратмасдан туриб, Ватан равнақига, миллат тараққиётига эришиб бўлмайди. Бизни ҳар жиҳатдан юксакликка олиб чиқадиган қудратли куч бу — илму урфондир.

Бу хусусда менинг таклифларим: биринчи синфдан бошлаб болаларнинг одобига эътиборни кучайтириш, ўғил ва қиз болаларни ажратиб ўқитиш, синфдаги болалар сони 20 нафардан ошмаслиги, мумкин қадар ўғил болаларни эркак ўқитувчилар, қиз болаларни аёл ўқитувчилар ўқитишига эътибор бериш лозим. Ўзбек тилининг қадр-қимматини кескин кўтариш зарур. Бу фанни ўқитганга ҳам 15 фоиз ортиқча ҳақ тўланиши жоиз. Мактабнинг 10-синфини битириб чиқаётган ҳар бир ёш эски ўзбек алифбосида бемалол ёзиб, бемалол ўқийдиган, қуръон суураларидан хабардор бўлиши керак. Иложи борича тезроқ лотин алифбосига ўтиш лозим.

Миллий мактабни шакллантиришда барча яхши фикрларни чуқур таҳлил қилиб, сарасини олиш, бу ишни умумдавлат аҳамиятига молик иш ва миллат тараққиётига оид вазифа деб билиш зарур. Токи яратилажак миллий мактабимиз тараққиётга дадил бошловчи, ҳар жиҳатдан комил инсонларни тарбиялаб чиқадиган масканга айлансин.

А. ЖОНҒОЗОВ,
Самарқанд вилояти Қўшработ районидаги 1-ўрта мактаб директори.

Юнус Юсупов вазмин, мулоҳаза билан фикр юритувчи, билимдон педагог. У ўқитувчилик фаолиятини бошлаганига 24 йил бўлди. Ҳозир у Самарқанд вилоятининг Нуробод районидаги 20-ўрта мактаб директори.

— Раҳбар бўлиш осон эмас, — дейди Юнус Юсупов. — Жамоа билан самимий муомала қилинса, ишда кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Кўпинча қўпол ва ноўрин муаммолар келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Айниқса, ўқитувчилар болалар шахсини асло камситмаслиги даркор. Зотан, бола кўнглини ранжитган ўқитувчи ўз шогирди қалбини жароҳатлабгина қолмай, бир умр ўзига душман орттиради. Саховатли ўқитувчилар эса шогирдлар қалбида меҳрибон устоз сифатида яшашади, эъзозланишади.

Ҳа, мактаб директори гапида жон бор. Бу ерда мактаб, оила ва жамоатчилик ўртасида яхши алоқа ўрнатилган.

Сиз кўриб турган суратда мактаб директори, район кенгаши нойби Ю. Юсупов акс эттирилган.

Суратқаш: Ғ. АЛИЕВ.

МУРУВВАТ: АХИЙЛАР, САХИЙЛАР

Мурувват жамият аъзоларининг меҳр-оқибатларида намоён бўлади. Мурувват инсоний фазилат бўлиб, тенглик ва шафқат қилишдир. Кейинги йилларда эл-юрт нафи учун мол-мулкини аямай сарфлаётганлар сони кўпайиб бормоқда.

Андижон шаҳрининг Неъматжон Умаров кўчасида яшовчи Сайидакбар Ҳожи «Жиддаи муборак» масжиди ва мадрасасини қуриб халққа топширди. У баландлиги 30 метр, номоз ўқийдиган майдони 600 кв. метр келадиган масжиднинг ўзига 6 миллион сарфлади. Эл дуосини олиб, дили равшан тортган Сайидакбар Ҳожи мадраса ҳужраларини қуришга киришди. «Овқатим тугамасин десанг, бировга едир, тўним йиртилмасин десанг, бировга кийдир» деган халқ мақоли бор-ку, ахир!

Мурувват қилувчиларнинг икки хил кўриниши маълум: бири ахийлар, иккинчиси сахийлар. Ахийлар ҳам, сахийлар ҳам кишиларни меҳмон қилиш, меҳмон истагини адо этишга мойил кишилардир. Зотан, ота-боболаримиз ҳам ахийлар ва сахийлардир. Чунки катта авлодларимиз уй қуришдан аввал дарвозахона олдига меҳмонхона қурганлар. Боболаримиз куни билан меҳмон кутишар, меҳмон келмаса хафа бўлиб, кечки овқатни биров билан ейиш учун кўчага чиқиб, бирор ўткинчини кутиб ўтирганлар. Мабодо мусофир ўтиб қолса, илтимос билан уни меҳмонхонага олиб кириб ўз тегишини меҳмон билан баҳам кўрганлар. Мусофирга иссиқ жой бериб, эрталаб ширчой, мастава билан нонушта қилдириб, манзилига кузатиб қўйганлар.

Сахийлар ахийлардан бир жиҳатдан фарқ қилган. Ахийлар меҳмонга ўз жонларини ҳам қурбон қилганлар. Сахийлар эса меҳмонга керак бўлса мол-мулкининг ҳаммасини ҳам берганлар, лекин ўз жонларини фидо этмаганлар.

Мурувватлилар олийси каримдир. Каримлар садақа ва эҳсон қиладилар. Лекин ўзлари ундан баҳам кўрмайдилар. Шунинг учун исломда аллоҳ номларидан бири Каримдирки, аллоҳ Субҳонаҳу таоло мурувватлидир. У ўзи емайди, ичмайди, киймайди, сарф этмайди. Лекин бандаларга ғамхўр, етимесирларга мурувватлидир.

Мурувватлилар садақа радди бало деб тўғри тушунадилар. Расулиллоҳ алайҳиссалом марҳамат қилиб айтадиларки, «ҳар ким молидан садақа бермаса, ул тез йўқ бўлур. У дунёда ул моли-дунёни ўт қилиб мол эгасига — у бандага ёпиштириб қуйдириб, азоб берурлар». Садақанинг фойдаси ва мол-дунё тўплашнинг ёмонлиги хусусида шундай ҳикоя қилинади: Салба исмли шахс ҳар куни масжидга ҳаммадан олдин келиб, ибодат билан шуғулланар эди. Бир куни Пайғамбаримизга юзланиб шундай деди: «Мен оилалик, фарзандлик бўлдим. Худодан тилаб берингки, аллоҳ менга кўп мол-дунё берсин. Мен ул молни фарзандларимга нафақа қилайин, худойи таоло йўлига садақа қилайин». Пайғамбаримиз: «Мол кўп кишиларни мунофиқ гумроҳ қилади», десалар, Салба хафа бўлди. Ундан сўнг Пайғамбаримиз дуо қилдилар. Салба тез кунда жуда бой бўлиб кетди. Кейин унга одам юбориб: «Айтинглар, Салба худо йўлига садақа қилсин», дедилар. Лекин Салба молидан садақа бергани кўзи қиймади, бермади. Кунлардан бир кун Салба Пайғамбаримизга садақа олиб келди. Лекин Пайғамбаримиз «Менга худодан «Садақа ол!» деган ҳукм келмади», деб рад этдилар. Пайғамбаримиздан сўнг Абобакир Сиддиқ ҳам Салба садақасини олмадилар. Чунки худодан ҳукм келмаган эди. Салба бойиган сайин очқўзлик қилиб, садақа беришга улгурмади ҳам. Ҳатто тоат-ибодатни ҳам унутган эди. Бойлик уни мунофиқ қилди. Охири беимон кетди.

Ахийлар ва сахийларнинг муруввати, айниқса, уларнинг меҳмондўстлиги кишини ҳайратга солади. Масалан, кунларнинг бирида сахий киши кечки пайт кўчага чиқиб турса, бир мусофир ўтиб қолади. Сахий мусофирга ялиниб, бир коса овқатни бирга ичишни сўрайди ва кўп илтимослар билан уйига олиб кириб меҳмонга мурувват қилиб, иззат-икром билан ўтирган пайтда сахийнинг ўз аёли кўриниб қолади. Мусофир унинг кимлигини сўрайди. Сахий кўп ўйларга бориб, шундай дейди:

— Бу аёл сизга ёқдими? Бу хотин бизникида юради. Сизга ёққан бўлса, эртага олиб кетасиз.

Тонг отгач туяларга уйдаги нарсаларни, анжомларни юклаб хотинини ҳам бир туяга миндириб мусофирга бериб юборади. Ўзи ҳам моли-мулки ва хотинидан айрилиб, бош олиб чиқиб кетади. Сахийнинг уйида меҳмон бўлган киши ўз юртига келгач, у хотиндан никоҳ учун рухсат сўраб одам киргизади. Сахийнинг хотини эса: «Мен бировнинг хотиниман, қандай қилиб розилик бераман», деб жавоб қилади. Уй эгаси суриштириб бу аёл уни меҳмон қилган сахийнинг хотини эканлигини билиб олади ва юз пушаймон билан: «Менга сингил бўлдингиз, қиёматгача мен сизга акаман», деб узр сўраб бир уйни бўшатиб, безаб беради. Ў ҳам кечки овқатни бирга истеъмол қилиш учун кўчага чиқиб ўтирса, қоронғуда бир киши ўтади. Мусофирни илтимос билан меҳмонхонасига олиб кириб қараса, биринчи маротаба меҳмон қилган сахий эканлигини кўради ва овқатдан сўнг безатилган уйга киргизиб юборади. Сахий ўз хотини ва анжомларига хиёнат қилмагани учун у билан бир умрга қиёматлик дўст бўлиб қолади.

Ахийлар ишига бир мисол: кунларнинг бирида бир ахий киши меҳмон кутиб кўчага чиқиб ўтирса, бир мусофир ўтиб қолади. Уни зўр илтимос билан меҳмонхонага олиб кириб, катта зиёфат беради. Топганини меҳмон олдига қўяди ва меҳмон билан танишгач, сўрайди: «Меҳмон, бу юртларга нима хизмат билан келдингиз?» Меҳмон шундай жавоб беради: «Шу кишлоқда бир кимса бор, бир ерда ишламайди, кишиларга фойда келтирмайди. Ўзи ўғри. Газзоб, кўп одамларга зиён етказган. Мен шу ярамасни ўлдиргани келдим, қарорим қатъий».

Ахий шундай жавоб қилади: «Эртага пешин намозидан сўнг анҳор бўйида сиз айтган кишини топиб, оёқ-қўлини боғлаб устига оқ чойшаб ёпиб қўяман, келиб калласини олиб хурсанд бўлинг. Лекин чойшабни кўтариб қараманг». Пешин номозидан сўнг ўзга юртдан келган шахс анҳор бўйига келиб қараса, ҳақиқатан ҳам, бир одам устига оқ чойшаб ёпилган ҳолда ётган эмиш. Пичоғини чиқариб, сўйишдан олдин чойшабни кўтариб қараса, тунда меҳмон қилган ахий ётган экан. Дарҳол унинг оёғини ечиб, нима учун ўзини ўлимга тутиб берганини сўрабди. Ахий шундай жавоб қилибди: «Биз ахийлармиз, меҳмон учун жонни ҳам фидо этишга аҳд қилганмиз. Сиз хурсанд бўлсангиз бўлди, мен ўлимга розиман».

Бундай ибратли ҳикоялар кўп учрайди. Уларни ўқир эканмиз, ахий бўлмасак ҳам, сахий бўлайлик, дегим келади.

Исматиллохон МУЗАФФАРХОН
тўра ўғли, педагогика фанлари номзоди, халқ маорифи аълочиси.

Қутлайман!

Қадрли Холмўмин ШУКУРОВИЧ!

Шароф Рашидов район халқ таълими бўлими ва касаба уюшма қўмитаси Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан чин қалбдан қутлайдилар.

Сиз 45 йиллик меҳнат фаолиятингизни асосан халқ таълимига бахшида этдингиз. Чорак асрдан знёд район халқ таълимига бошчилик қилиб келмоқдасиз.

Бу давр ичида райондаги мактаблар сони 5 тадан 20 тага етди, ўнлаб янги мактаб ва боғчалар қурилди ва ишга туширилди. Мактабларда етарли даражада ўқув-фан хоналари жиҳозланди. Ўрта мактаблар компьютерлаштирилди.

Районимиз мактабларида бир неча марта вилоят ва жумҳурият семинар-кенгашлари ўтказилди. Эндиликда районимиз халқ таълими жумҳуриятда тилга олинмоқда.

Халқ таълими соҳасидаги меҳнатларингиз юксак баҳоланиб, Сизга ҳукуматимиз томонидан «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи», «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» деган юксак унвонлар берилди.

Қадрли Холмўмин Шукурович, Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан яна бир бор табриклаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат ва халқ таълими соҳасида янада улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Қутлайман!

Муборак бўлсин, қутлуғ кунингиз,
Нурларга тўлсин куну тунингиз.
Яна эллик ёш яшанг, муаллим,
Бизларга бериб инсоний таълим, —

дейишмоқда бугунги кунда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳи кабинетининг раҳбари Назира Аҳмедовна Аҳмедовага унинг шогирдлари ва Ҳасанжон Исломов номли 41-ўрта мактаб жамоаси. Чунки Н. А. Аҳмедова ўзининг ҳалол меҳнати, зукко билими ва одамийлиги билан обрў қозонган. Истагимиз — бу обрў-эътиборлар ҳақиқий ташкилотчи раҳбарга, бир сўзли ва виждонли инсонга узоқ йиллар насиб этсин!

Шайхонтоҳур районидаги 41-ўрта мактаб жамоаси.

Китоб жавонингизга

ЯХШИ ИСМ — ИНСОНГА ҲУСН

Ота-она орзиқиб кўрган фарзандига чиройли ва мазмундор исм қўйишга ошиқади. Маъноли исм — маънавий қиёфа. Маъноли ва чиройли исмлар танлашда сизларга кўмаклашиш мақсадида филология фанлари номзоди, доцент Суннатулла Ризаев ва Олим Мирзаевларнинг «Яхши исм — инсонга ҳусн» номли китобчаси «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилди.

Рисолада келтирилган ҳар бир исм янги ва эски алифбода ҳамда инглизча ва испанча ёзилиши келтирилади. Исмларнинг ўзбек, араб, инглиз ва испан тиллари графикасида тўғри ёзилишининг келтирилиши саводхонликка катта ёрдам беради.

Исмингизнинг ўз она тилингизда ёзилишини тўғри билишингиз билан бир қаторда унинг араб ва лотин графикаларида ҳам тўғри ёза олишингиз нур устига аъло нур бўлади.

Маъноли, хушоҳанг исмлар халқимиз ва тилимизнинг бебаҳо хазинасидир. Шундай экан, фарзандларимизга бу хазинадан шундай бир дурдона исмлар топиб қўяйликки, токи улар ўсиб-улғайганларида ўз исмлари учун сира-сира ўксинмасинлар.

Муаллифларнинг мазкур китобида танланган исмлар яхшилик ва гўзаллик, поклик ва ҳалоллик, шодлик ва бахтиёрлик, мардлик ва қаҳрамонлик, азиз ва мўътабарлик, меҳру шафқатлилик, оқибатлилик, ширинсуханлик, ёқимтойлилик, меҳр-муҳаббатлилик каби эзгу ниятларга етаклайди. Ҳақиқатан ҳам, фарзандларимизга қўйилган ҳар бир исм уларнинг ҳусни ва бахтидир.

Рисолада келтирилган барча ўғил ва қиз болалар исмлари мазмун-мундарижаси жиҳатидан талабчан китобхонларимизнинг ўткир дидли талабларига маълум даражада ижобий жавоб бера олади, деган умиддамиз.

М. ҚУЧҚОРОВ.

Испаниядаги мусулмон маданияти. Испан мусулмонлари тарихда буюк хизмат кўрсатдилар. Улар ўрта аср Оврупосида энг аъло бўлган маданиятни яратиб, инсониятга ато қилдилар. Инглизлар, франглар, италияликлар испанлар онгига таъсир кўрсатдилар. Ниҳоят, испанлар мусулмонлардан ўзларини қўриқлашга муваффақ бўлганларида шу маданиятни вайрон қилиб, жонажон мамлакатларига беҳисоб зарар етказишди. Испан араблари бутун Овруполга илҳом бағишладилар, улар қолдирган китоблардаги хазина эса бу қитъаликлар учун юзлаб йиллар мобайнида фан ва билим сарчашмаси бўлиб хизмат қилди. Араблар Испанияси дунёга араб Шарқи баравар кўп буюк адабиётчилар, файласуфлар, табиблар, олимлар, тарихчилар, жўғрофлар, мутасаввуфлар ва дастлабки саёҳатчиларни етиштириб берди.

Мусулмон файласуфлари. Овруполиклар орасида араблар гўё юнонлар меросини олиб, фақат шарҳлаб бериб қўя қолишган, деган фикр мавжуд. Бирорта файласуф йўкки, ўзига қадар яратилган тафаккур хазинасига асосланмаган бўлсин, зеро, фалсафа дунёқарашимиздаги ҳодисаларнинг моҳиятини тушиндан бошқа нарса эмас. Ҳамма нарса юнонлардан ёки ҳиндилардан ёхуд хитойликлардан олинган, дейиш инсоний тафаккури тараққиёти ва моҳиятини инкор этишдан бошқа нарса эмас. Чиндан ҳам араблар ўз адабиёти ёки фалсафий негизларига эга бўлмаганлар, лекин улар неки бор, ҳаммасини ўрганиб, изоҳсиз қолиб келаётган воқеа-ҳодисалар юзасидан жаҳонга ўзларининг таҳлилий хулосаларини бера билдилар. Арабларнинг хизматлари шундаки, фалсафий тартиб-қоидага кўра, улар ўз эътиқодларини ақл-идрокка моманд мушоҳадаларга мувофиқлаштиришди. Овруполи ҳам ўша таомилга ўргатдиларки, у ерда шу асосда фан соҳасида уйғонишга эришилди. Шу муносабат билан тўрттала буюк испан мусулмони номларини алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Уларнинг ҳаммаси тафаккур тарихида муҳим ўрин эгаллаган:

а) Ибн Бажжоҳ (1138 йилда вафот этган) файласуф, олим ва физик бўлган. У фалсафанинг мақсади инсонни Оллоҳ таолога яқинлаштиришдан иборат, деган фикрда бўлиб, одамнинг ўз-ўзини такомиллаштира бориш қобилиятига ишонарди.

б) Ибн Туфайл (1185 йилда вафот этган) муваҳҳилар, султон Абу Юсуф Яъқубнинг бош олими бўлиб хизмат қилган. У ўзининг тадрижий ривожланиш (эволюция) назарияси билан машҳур. Ибн Туфайл инсоннинг билим чўққисини эгаллаш имкониятига амин эди.

в) Ибн Рушд (Аверроэс, 1126-1198 йиллар) Абу Юсуф Яъқуб подшоҳлиги даврида яшаб, Севилья ва Кордованинг қозиси бўлган. У тиббий қомуси билан яхши таниш. Ибн Рушд Овруполда воқеа-ҳодисаларни шарҳлаб бериш устаси ҳисобланарди, унинг ҳур фикрлиги эса ҳар қандай ҳодисани тушунтириб беришга ёрдамлашарди. Ибн Рушд китоблари беш аср давомида ғарбда ҳам, шарқда ҳам дорилфунунларнинг ўқув қўлланмаси сифатида хизмат қилиб келди.

г) Мусо ибн Меймун (1113—1204 йиллар) яҳудийларга мансуб бўлиб, Кордовада таваллуд топган, лекин Испаниядан Мисрга кўчиб бориб буюк Салоҳиддин саройида олимликка эришди. У эътиқодни ақлга мослаш бобидаги интилишлари билан шуҳрат қозонди. Ниҳоятда инсонпарвар мутафаккир эди.

Ал-Идрисий (1100-1166 йиллар). Испания мусулмонларининг ғаллаб кучи шу даражада катта бўлганки, ҳатто ўша даврнинг энг етакчи жўғрофи ҳам ғарблик араблардан эди. Ўн иккинчи аср жўғрофи ва хариталар тузувчиси ал-Идрисий 1100 йили Сеутда туғилиб, фаолияти туфайли Сицилияга келиб қолди. Унинг энг яхши асарлари шу ерда фотимийлар ўрнига келиб, сицилия-араб маданиятини асраб қолган норман қироли Рогер II буюртмаси билан яратилган.

Ибн Арабий, Ибн Ҳазм. Мусулмонлар Испаниясидаги машҳур кишилар орасида мутасаввуфлардан ибн Арабий ва ибн Ҳазмни ҳам тилга олиб ўтиш зарур. Ибн Арабий 1165 йилда туғилиб, анча вақт Севильяда яшади. 1202 йилда Маккага ҳажга бориб, Арабистонда қолишга қарор қилди. Унга Дамашқ дорилфунунида мударрислик вазифасини таклиф қилишди, умрининг охиригача шу ерда сабоқ берди. Ибн Арабий айтишича, Оллоҳ — бу нур, дунё эса Оллоҳ таолонинг тажаллисидур. У яна уқтирардики, инсон ўзини ўзи такомилга етказа бориб, вужуди мутлаққа яқинлашуви мумкин. Ўз китобларида у фазолар оша саёҳат қилиш тўғрисида ёзган эди. Олимлар италян шоири Данте ўзининг «Илоҳий комедияси» учун мавзуни ибн Арабийдан олган, деб тахмин қиладилар. Улуғ шахслардан яна бири буюк адиб ибн Ҳазм 100 га яқин китоб ёзган. Шунингдек, уни тарихчи, шоир, мантиқчи, жамиятшунос сифатида ҳам эътироф этишади.

Ибн Халдун (1332—1406 йиллар). Испан мусулмонлари наслидан бўлган Абдураҳмон ибн Халдун тарихий воқеаларни тасвирлаш санъатининг мусулмонлар орасидаги энг улкан намояндаси ҳисобланади. У Тунисда туғилиб, фан оламига сафдошларидан кечроқ кириб келди. 1361 йилда Ғарнота султони ҳузурида хизматда бўлди, 1382 йилда Қоҳирага кетиб, у ерда ал-Азҳар дорилфунунида мударрислик қилди. У соҳибқирон Темур билан Дамашқ қамали пайтида учрашди. Шу шаҳар тарихи муқаддимасида ёзиб қолдирган воқеалар баёнига оид ғоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ибн Баттутаҳ (1304—1377 йиллар). Ўрта асрларнинг саёҳат бобидаги энг йирик намояндаси Муҳаммад ибн Абдуллаҳ ибн Баттутаҳ исмли ал—Мағриблик мусулмон эди. У марокашда туғилиб, ўқишини тугатиши билан саёҳатга чиқади. Бутун мусулмон дунёсини айланиб, фақат Ҳиндистонда султон Муҳаммад Туғлуқ подшолигида етти йил яшаган. Ибн Баттутаҳ Хитойга саёҳат қилди ва Шарқий Ҳиндистонда бўлди. Африқода у Саҳрои Кабирни кесиб ўтиб, Тимбуктага борди. Унинг саёҳатлари ўша давр дунёси тўғрисида қимматли маълумотлар берди, улар ҳозир ҳам мароқ билан ўқилади.

Сицилия. Энди Ифриқияда пайдо бўлиб, Сицилияни аълобийлардан тортиб олган ва сўнгра шарққа томон йўналиб, Мисрда қўним топгач, у ерда икки юз йил ҳукм сурган фотимийлар ҳақида бир неча сўз айтиш лозим. Аълобийлар тўққизинчи аср ронлиги даврида Палермо йирик шаҳарга айланди. Ўша пайтда уни бориб кўрган мусулмон сайёҳи ибн Ҳавқал бу шаҳар ўзи кўрган шаҳарларнинг энг каттаси ва яхшиси эканлиги, у ерда 300 та масжид ва 300 дан кўпроқ олий билимгоҳ мавжудлиги тўғрисида ёзган. Ўн биринчи асрда Сицилияни босиб олган норманлар арабларнинг ўқимишлилигини, маҳорати ва алломалигини ҳамда муомала маданиятини шу қадар юксак қадрлардиларки, ҳатто уларнинг кўпларини ўз лавозимларида қолдирдилар. Норманлар амалда араб турмуш тарзини қабул қилдилар: арабча кийинардилар, сўзлашардилар, ўз тангаларига араб ҳарфларини зарблар эдилар ва ҳатто ҳижрий тақвимига мувофиқ саналарни нишонлаб турардилар. Олмон императори Федерике II даврида ҳам араб маданияти етакчи мавқеи эгаллаб турди. Императорнинг ўзи эса Сицилияда қолишни афзал кўрди, араб тилида сўзлашди, атрофини араблар билан қуршаб, маърифатли араб сингари яшади. Сицилия Италияга энг илғор мусулмон фанини ато қилди, Италия ҳамда Жанубий Оврупонинг ақл-заковат жиҳатидан уйғонишига кўмаклашдики, бу уйғониш даври номи билан машҳурдир.

Фотимийлар Мисрда. Бу воқеа фотимийлар додҳоси Жавҳар Мисрда истеъдодли тулунийлар сулоласи ағдариб, ҳукмронлик қилаётган иккшидийлар уруғини тахтдан туширгандан кейин юз берди. Аббосий ҳоким Аҳмад ибн Тулун мустақил ҳукмдор бўлиб олгач, Мисрни пухта маъмурияти бўлган қудратли давлатга айлантирди, кўплаб масжид ва бошқа муҳим бинолар бунёд эттирди. Бироқ тулунийлардан кейин ҳокимиятни эгаллаган иккшидийлар ҳеч бир жиҳатдан кўзга кўринарли сулола бўлолмадилар. Шундан сўнг Мисрда додҳо Жавҳар ҳам азим ал—Азҳар масжидини қурдириб, уни олий мактабга айлантирди. Кейинроқ фотимийлар Шомни ҳамда ал—Ҳижозни босиб олиб, Ўрта Шарқда қудратли давлатга эга бўлдилар. Энди ўзларини халифа ҳис қилиб, кескин шиаликни эълон қилдилар; суннийларга ва ҳатто бошқа мазҳабларига тоқатсизлик билан муносабатда бўла бошлашди, суннийларнинг Бағдоддаги аббосий халифасидан батамом юз ўгирдилар. Бу мусулмон дунёсини учга бўлиб юборди: суннийлар Ғарби, шиалар Ўрта Шарқи ва суннийлар Шарқи. Суннийларга мансуб бўлган ал—Мағриб ва Андалусия Ўрта Шарқдан ҳам, Шарқдан ҳам ажратиб қўйилди. Шундай қилиб, Ислом дунёсига хос бўлган тафаккурнинг ройишгина тимсоли ва бирлашув туйғуси барбод қилиниб, мусулмонлар оламини парчалаб ташлаш билан овруполик насронийларнинг салиб юришларига туртки берилди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

ҲАЙРАТГА СОЛАДИГАН ВОҚЕАЛАР

«ЭКСТРАСЕНС» МУШУК

Иркутск шаҳридаги бир хонадонда «экстрасенс» мушук яшайди. Хонадон соҳибасининг қайд этишича, бу мушук бронхит, холециститт сингари касалликларни даволайди.

Мушук бетоб одамнинг қаери оғриётган бўлса, ўша жойга бориб ётади ва тили билан оғриқ бор жойни ялаб-юлқай бошлайди. Бу унинг «даволаш» усулидир.

Хонадон соҳибасининг айтишича, Бўрсиқ исмли бу мушукнинг экстрасенслик қобилияти яқиндагина пайдо бўлди. Яъни у беш қаватли уй дераза пештоқидан ерга ағанаб тушиб кетди. Шундан сўнг унда бу хусусият вужудга келди. У фалокатдан сўнг ўзи омон қолиш билан бирга онланинг ўзига хос «шифокори»га айланди.

ЯНГИ ҚОНУН

Араб амирлигида чет эллик аёл кўчакўйда эркак билан ўпишёа, икки ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ҳам бундайларга «омад» йўқ. Ўзига хос саломлашиш одати бўлган бу хатти-ҳаракат жазоланишга лойиқми, деб ёзади Бельгияда чиқадиган «Суар» газетаси.

ЦЕЗИЙДАН ЧЎЧИГАН ЎҒРИЛАР

Қозоғистон Республикасининг Атирауск нефтни қайта ишлаш заводи нефть қувури остидан цезий — 137 радиоактив модда жойлашган контейнер топилди.

Гап шундаки, контейнер топилишидан икки ҳафта бурун корхонадан бу модда ўғирланган эди. Маҳаллий милициянинг барча кучлари ўғирланган моддани топишга жалб этилди. Чунки йўқолган моддининг нурланиш қуввати юксак — соатига 20 рентген эди. Ўғрилар бу ахборотдан воқиф бўлгач, бу моддани ташлаб кетишган.

Контейнер топилди, бироқ ўғрилар ҳамон изланмоқда.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

РАКНИНГ ДАВОСИ ТОПИЛДИМИ?

МУХБИРИМИЗ ШУ ХУСУСДА РЕСПУБЛИКА ОНКОЛОГИЯ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ НАРИМОН ҚОДИРОВИЧ МУРОДХЎЖАЕВ БИЛАН МУСОҲАБА ҚИЛДИ.

Мухбир: Аввалида марказнинг ибтидоси хусусида қисқача тўхталсангиз?

Наримон Муродхўжаев: Институтимизнинг пайдо бўлиши ҳақида гап кетадиган бўлса, иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврга мурожаат этишимизга тўғри келади. Негаки, Тошкентда илк бор бундай институт 1931 йилда фаолият кўрсата бошлаган. Уруш бошланиши билан институт тугатилган. Сўнгра Тошкент табобатчилар малакасини ошириш институтида шу йўналишдаги йирик кафедра очилган. Саратон (рак) касаллигини даволаш шифохонаси (клиникаси) эса 1946 йилгача ТошТИда бўлган. 1958 йилда республиканинг собиқ МҚ биринчи котиби Нуриддин Акрамович Муҳиддиновнинг шахсий ташаббуси билан институт қайта тикланди. 1964 йилда Шароф Рашидовнинг қаттиқ назорати остида қуриб битказилган янги бинога кўчиб ўтдик.

М.: Ҳозирда институтнинг марказ дейилишини қандай изоҳлайсиз?

Н. М.: Илгарилари барча юмушлар илмий-текшириш институтида бажариларди. Эндиликда эса маълум бир жиҳатдан бир бутун бўлиб мужассамлашган бир неча вазифаларни бажарувчи шохобчаларнинг мавжудлиги унинг марказ дейилишига асос бўлади. Биринчиси — 9 та илмий-тадқиқот ишлари олиб бориладиган лабораторияни ўз ичига олган илмий-текшириш институти. Иккинчиси — 420 кишига мўлжалланган шифохона ҳамда бир йилда 65 минг кишига хизмат кўрсатишга қодир бўлган, турли кўрсатма ва тавсиялар берадиган назорат бўлими (поликлиника). Учинчиси — биотехнологик усул билан саратон ҳужайраларига қарши курашувчи ҳужайраларни, яъни бизнинг тилимизда айтганимизда — «антитанача» (антитело)ларни кўпайтириш ишлари олиб бориладиган корхона. Бу тажриба-синов корхонаси янгилик бўлгани учун номини «Ниҳол» деб қўйдик.

М.: Биотехнологик усул ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.

Н. М.: Инсон организми шундайки, унга бирон-бир ёт ҳужайра тушдими, дарҳол унга қарши курашувчи ҳужайралар жангга киради. Унда нега ўша ёт ҳужайра танани ёки маълум бир аъзони ишғол этади? деган ўринли савол туғилиши мумкин. Худди ўша пайтда одамдаги қарши курашувчи ҳужайралар кучсизлик қилади. Шунинг олдини олиш мақсадида ҳамда киши организмига турли хил химикатларни юборишга чек қўйиш ниятида айнан ўша қарши курашувчи ҳужайраларни биологик йўл билан кўпайтириб, ундан даволашда фойдаланиш — бу усулнинг асосий вазифаси. Ҳолбуки, бу борадаги ишимизни амриқолик олимлар билан бир вақтда бошлаган бўлсак-да, улар биздан илгари кетди. Хабарингиз бордир, Амриқонинг собиқ президенти Рональд Рейган бундан уч йилча бурун ракка чалингани ҳақида гап бўлганди. Уни жарроҳлик йўли билан даволаш жараёнида метастаз, яъни саратон ҳужайраларининг бошқа аъзоларга тарқалиб кетиш ҳолати юз берган. Шундан сўнг врачлар биологик йўл билан кўпайтирилган ҳужайралар ёрдамида хавфнинг олдини олишган. Айни кунда биз ҳам шундай ҳужайралар яратдик, бироқ улар эртароқ бу ишга якун ясашди. Шул боис биз бу усулдан фойдаланишга ҳуқуқсизмиз. Сотиб олиш учун эса катта маблағ талаб этилади. Яқин орада биз бу даволашнинг ўзига хос кўринишини, яъни улар ҳужайрага қўшган кимёвий элементни илон оғуси билан алмаштириш эвазига яратиш ниятидамиз.

М.: Марказда қилинаётган илмий ишлар салмоғи қанчалик?

Н. М.: Албатта, илмий тадқиқотлар олиб бориш — ишимиз маэмуни. Бу йил ҳам бу борада тер тўккан олимларимиз меҳнатлари маҳсули сезиларли. М. Қобулов қизил ўнгач ракининг олдини олишдаги профилактик ишлар бўйича, Р. Мадалихўжаев саратонга чалинган кишининг умумий тана ҳароратини 42-43 градусга кўтариб (бу қолда бош совитилиб турилади) даволаш, Т. Муратова кўзда учрайдиган ракни чуқур ўрганиб, уни даволаш ва профилактика қилишнинг ташкилий кўринишларини ишлаб чиқди. М. Ғофурохунов ракнинг аломатларини қайси аъзода эканлигини бездан аниқлаш устида, С. Маҳмудов эса аёлларнинг бачадони, тухумдони ва кўкрак безларида учрайдиган ракни умумий олиб даволашнинг жамланган кўринишини борасида иш олиб боришди. Уларнинг ҳаммаси ўз докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлашди.

М.: Наримон Қодирович, саратон касаллиги ҳужайралари қандай йўл билан соғлом организмга тушиши мумкин?

Н. М.: Саратон ҳужайралари кўп ҳолларда ташқи муҳит таъсирида пайдо бўлади. Шаҳарларда, айниқса, ўпка раки кўпроқ учрайди. Сабаби — транспортлардан чиқаётган тутунлар таркибида соғлом ҳужайрани саратон ҳужайрасига айлантирадиган бензпирен бор. Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод каби саноат шаҳарларида ҳам шу аҳвол. Қишлоқлар аҳолиси ичида қизил ўнгач раки кўп тарқалган. Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган аммиак селитрасининг белгиланганидан ошиқ ишлатилиши бунга сабаб бўлади. Шу боис республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ушбу химикатни ишлатиш қатъиян ман этилди. Саратон ҳужайраларини пайдо қилувчи яна бир омил, бу — нурлардир. Қуёшнинг ультрабинафша нурлари терида рак пайдо қилиши мумкин. Бу каби ҳоллар кўпроқ европаликларда учрайди. Чунки улар териси нурдан ҳимояланишга ожиз. Хабашларда эса умуман учрамайди. Ҳозир қондаги ракнинг вируслар орқали пайдо бўлиши ҳақида гумонлар бор.

М.: Саратон хасталигини бедаво дард дейишади...

Н. М.: Бу фикрга қўшилсак ҳам, қўшилмасак ҳам бўлади. Қачонки саратон хасталиги маълум бир муддатдан ўтиб кетса, биз беморни олиб қолишга ожизлик қиламиз.

М.: Ўша муддат қанчагача бўлиши мумкин?

Н. М.: Саратон ҳужайраси соғ аъзога тушгач, секин-аста ўша ерда хавфли ўсма пайдо этишни бошлайди. 5-7 йил ичида ўша ўсма бир сантиметргача шиш ҳосил қилади. Ўша пайти даволаш бошланса ҳам бирор нарса умид қилса бўлади. Ундан у ёғи... Энг хавфли томони шуки, саратон касаллиги бошланишида ҳеч қандай ташқи аломат бермайди.

М.: Бунга қарши эмлаш ишларини ташкил этишнинг иложи йўқми?

Н. М.: Афсуски, ракка қарши эмлаш ҳали кашф қилинмаган.

М.: Саратон касаллиги наслдан наслга ўтадими?

Н. М.: Йўқ. Мисол келтиришим мумкин: бизда саратонга чалинган ҳомиладор аёлнинг боласи соппа-соғ дунёга келди. Саратоннинг ҳеч бир тури отадан ёки онадан фарзандига ўтмайди.

М.: Ҳозир республикада сизларнинг ҳисобларингиз бўйича қанча киши шу дардга чалинган?

Н. М.: Ўтган 1991 йилнинг ўзида 15 минг кишида саратон касаллиги борлиги аниқланди. Умумий рўйхатда 59 минг бемор қайд этилган. Улар ичида энг кўпи ошқозон, ичак раки, кейин қизилўнгач, тери, ўпка ва аёлларда кўкрак бези ҳамда бачадон раки кўпроқ учрайди.

М.: Даволаш имкони бўлган беморларни нималар ёрдамида дарддан фориғ этасизлар?

Н. М.: Кўп ҳолларда жарроҳлик йўли билан даволаш амалга оширилади. Бизда майда жарроҳликдан тортиб йириклигачга чекланмаган ҳолда қилинади. Сўнгги йилларда ўсмани пичоқ билан эмас, балки ҳарорати минус 169° эга бўлган суюқ азотдан фойдаланиб йўқотиш йўли ҳам қўлланилмоқда. Даволашда нурлардан ҳам кенг фойдаланилади. Гамма, лазер каби нурларни олаётган шифоталаблар 70 фоизни ташкил этади.

М.: Ҳозирда матбуотда табиблар рак давосини топибди, деган хабарлар тарқамоқда...

Н. М.: Биз қаерда шу соҳага таллуқли йилт этган янгилик бўлса, албатта, бориб ўрганамиз. Улар билан келишилган ҳолда маъум даражада маҳсулли дори-дармонларидан фойдаланамиз. Бироқ ҳали саратоннинг тўлақонли давоси топилганича йўқ.

М.: Инсонлар шу дардга чалинмаслиги ёки унинг вақтини ўтказиб юбормаслиги учун нималар қилиши керак?

Н. М.: Бу дардни душманимга ҳам раво кўрмайман. Нима қилиш кераклиги ҳақида гап кетса, аввало ҳар бир киши вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туриши керак. Бу ракдан сақланишнинг ягона йўли. Республика бўйича мавжуд 17 та онкологик шифохона уларга холис хизмат кўрсатади.

М.: Суҳбатингиз учун ташаккур!

Н. М.: Соғ бўлинг!

Абдусамат РАҲИМ суҳбатлашди.

Таҳририятдан: мазкур суҳбат саҳифаланаётганда, шу мавзуга таллуқли хабар олинди. Амриқодаги ЮСИА ахборот агентлигига қарашли Уорлднет жаҳон тармоғи телекомпанияси хабар беришича, амриқолик олимлар рак ўсмасига қарши вакцина ишлаб чиқаришибди. Мухбирнинг, рак давоси топилдими? деган саволига кашфиётчилар, йўқ, биз яратган вакцина ўсма ривожини вақтинча тўхтатишга ва унинг олдини олишга қодир холос, дея жавоб беришди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 32-35, нашриёт диспетчери — 32--78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г-471. ИНДЕКС: 64595. Босмага топшириш вақти 20.00. Босмага топширилди 19.00 Тираж 44761.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12